

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ (ХУСУСИЙ) ҲУҚУҚИ”
КАФЕДРАСИ

Туристик соҳада хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий
тартибга солиниши

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Халқаро
ҳуқуқий фаолият” йўналиши
талабаси С.Туремуратов

Илмий раҳбар: “Халқаро
тижорат (хусусий) ҳуқуқи”
кафедраси Ш.Туляганова

ТОШКЕНТ – 2016

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I БОБ. ТУРИСТИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	9
1.1. Туристик хизмат кўрсатиш тушунчаси, унинг объектлари ва туристик хизмат фаолият субъектлари.....	9
1.2. Туристик хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ривожланган мамлакатлар туристик хизмат фаолиятига оид қонунчиликларининг қиёсий таҳлили.....	25
II БОБ. ТУРИСТИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАР ВА УЛАР БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	32
2.1. Туристик хизмат кўрсатиш шартномаси тушунчаси ва унинг асосий хусусиятлари.....	32
2.2. Туристик хизмат кўрсатиш шартнома муносабатларида тарафларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги.....	41
ХУЛОСА	ВА
ТАКЛИФЛАР.....	58
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙҲАТИ.....	62

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб, суверен давлат сифатида жаҳон иқтисодий ва ҳўжалик тизимларига тобора узвий боғланиб бормоқда, бир юз эллик йилга яқин муддат давом этган маҳдудлик, ажралиб қолиш туфайли вужудга келган қолоқлик ўрнини қоплашга шиддат билан интиломоқда. Бу жараён иқтисодий, илмий-техникавий, савдо-сотиқ каби моддий кўринишдаги алоқаларнинг ривожлантирилиши билан бирга халқаро ҳамкорликнинг кучли омили инсонлараро алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришни тақозо этади.

Халқаро, миллатлараро алоқаларнинг энг мақбул шаклларида бири-туризм саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1996 йил 14 декабрда Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек: "Холбуки, туризмни ривожлантириш хорижий сармояларни жалб этишнинг муҳим ва самарали воситасидир. Биз Бухородаги улуг аждодларимиздан қолган бекиёс меросни дунёга намоён этиш билан бирга бу борада муайян фойда топиш ҳақида ҳам жиддий бош қотиришимиз зарур"¹. Чунки у мамлакатлар ўртасида фуқаролар борди-келди алоқалари аҳволи, кўлами айни пайтда икки давлат уртасида иқтисодий, сиёсий иқлимни ўзида акс эттирувчи барометр вазифасини бажаради. Шу туфайли жаҳон миқёсида туризмнинг ривожлантирилиши сиёсий жиҳатдан тинчлик-ҳамкорликка, иқтисодий жиҳатдан юксалиш-тараққиётга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Айни пайтда халқаро туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоғи эканлиги диққатни тортади. Бутунжаҳон туристик Ташкилоти маълумотларига кўра 2014 йилда бутун дунёда умумий туристлар сони 1миллиард 138 миллионни ташкил қилган бўлса², 2015 йилда ўсиш суръатлари аввалги йилга нисбатан 4.4%ни ташкил этиб, умумий туристлар сони 1 миллиард 184 миллиондан ошди.³ 2013 йилда туризмдан

¹Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.: Ўзбекистон, 1997.-Б.273

²<http://media.unwto.org/ru/press-release/2015-01-28/bolee-11-milliarda-turistov-puteshestvovali-za-rubezh-v-2014-g>

³<http://media.unwto.org/ru/press-release/2016-01-19/chislo-mezhdunarodnykh-turistskikh-pribytii-v-2015-godu-vozroslo-na-4-i-dos>

келиб тушган даромад эса 1 триллион 197 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.⁴ Ушбу кўрсаткичлар туризм индустрияси мавқеини нечоғлик улкан эканлигини тасаввур қилиш имконини беради. Жаҳон миқёсида ушбу кўрсаткичларни, тобора ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Йилдан-йилга Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристлар сони ошиб бормокда. Бу кўрсаткич 2014 йилда 1 миллион 861 мингга ташкил қилган бўлса, 2015 йилда эса бу кўрсаткич 1 миллион 917 мингдан иборат бўлди.⁵

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон туризм индустрияси тизимида тобора чуқурроқ кириб бориши мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишига, валюта тушумларининг ортишига, қўшимча иш жойлари вужудга келиши ва бошқа ижобий натижаларга олиб келиши тайин. Жаҳондаги айрим мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизгача бўлган қисми туристик хизмат фаолияти ҳисобидан шаклланиши ҳолда Ўзбекистонда бу кўрсаткич бор йўғи 0,4 фоизни ташкил этиши бу соҳада имкониятлар деярли руёбга чиқмаётганлигини кўрсатади.

Юқоридаги ҳолатларнинг барчаси туристик хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш, унинг илмий-назарий асосларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, бу соҳадаги муносабатларнинг мукаммаллаштирилиши энг долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, туризм фаолияти айниқса унинг халқаро миқёсдаги кўриниши хизматнинг ўзига хос тури сифатида юзага келаётганлиги ва барқарор ривожланиб бораётганлиги аввал бу хизмат турининг собиқ иттифоқ таркибига кирувчи республикаларда, айниқса ўша пайтда чекка ўлка ҳисобланган Ўзбекистонда ҳуқуқий жиҳатдан махсус тартибга солинмаганлиги унинг илмий жиҳатдан тадқиқ этилмасдан қолишига олиб келган ва бу аҳвол ҳозиргача ҳам давом этиб келмокда. Ушбу ҳолат ҳам мазкур мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Мавзунинг долзарблиги бошқа кўплаб омиллар билан ҳам белгиланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматлар билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш, ушбу соҳада мавжуд

⁴<http://media.unwto.org/ru/press-release/2015-01-28/bole-11-milliarda-turistov-puteshestvovali-za-rubezh-v-2014->

⁵<http://uzbektourism.uz>

бўлган муаммолар ечимини излаб топишга қаратилган илмий- назарий қарашлар, шу жумладан пуллик хизмат кўрсатишнинг энг замонавий ҳамда юксалиб бораётган турларидан бири бўлган туристик хизматни янада ривожлантириш, ҳукукий жиҳатдан такомиллаштириш бағишланган илмий концепциялар таълимотлар хизмат килди.

Ушбу соҳада фундаментал илмий-назарий тадқиқотлар қаторига бизнинг фикримизча, академик Раҳмонкулов, Зокиров И.Б., Ибратов Б.И., Холматов Г.М., Попондопуло Кабалкин А.Ю., Цвайгерт К., Кетц К., Иванов А.П., Рябиков Ю., Шешенин Е.Д., Парций Я.Е., Сенин В.С., Гуляев В.Т., Файзибоева Н⁶ кабиларнинг асарлари, шунингдек бошқа тадқиқотлар киритилиши мумкин.

Тадқиқотчи туристик хизмат кўрсатишга оид болган бошқа фуқаролик ҳукукий шартномалар ўртасида тутган ўрнини белгилаш, туристик хизмат фаолиятига фуқаролик ҳукукий хизмат кўрсатишнинг ҳукукий шакли сифатида баҳо бериш, сайёҳлик билан боғлиқ бўлган фуқаролик-ҳукукий муносабат иштирокчиларининг ушбу муносабатда қатнашиш жараёнидаги мавқеларини аниқлашда яна қатор ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларига таяниб иш олиб борди.

Тадқиқот ишининг мақсади. Битирув малакавий ишининг мақсади хизматнинг истикболли тури бўлган туризм фаолиятини фуқаролик ҳукукий ҳодиса сифатида илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда ҳулосалар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "...Қадим қарвон йўллари бизнинг еримиздан ўтган. Бизнинг кўҳна шаҳарларимизда ва бозорларимизда

⁶ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи., 1997., "хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги". Т.: Адолат, 2000.; Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Т.: Адолат, 1998.; Ибратов Б.И. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Т.: Молия, 2000.; Долматов Г.М. Правовые основы туристического бизнеса. М.:1997.; Попондопуло В.Ф. Правовой режим предпринимательства. СПб.:1994.; Кабалкин А.Ю. Законодательство о сфере обслуживания населения. М.:1998.; Цвайгерт К., Кетц К. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права. Т.1-2, М.:1998.; Иванов А.П. Правовое регулирование международных туристических отношений. М.:1974.; Рябаков Ю. Агентское отношение во внешнеэкономических связях. М.:1992.; Шешенин Е.Д. О правовой природе договора в сфере обслуживания. Свердловск.:1964.; Парций Я.Е. Научного практический комментарий Закона "Об основах туристической деятельности в РФ" М.:1998.; Сенин В.С. Ведение в туризм. М.,1993.; Гуляев В.Т. Организация туристических деятельности. М.: 1996.; Файзибоева Н. Ўзбекистода халқаро туризмни ривожлантиришнинг қонучилик асослари.// Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 №1.- Б.30-33.

юзлаб лаҳжалар жаранглаган. Дунё мамлакатларининг ўзаро савдо ва маданий алоқаларида ўзбек тупроғи кўприк воситасини ўтаган..."⁷.

Ўзбекистон Республикасининг табиий, географик, маданий, тарихий этник, этнографик ранг-баранглиги, сўлим табиат, юксак тоғлар маскани эканлиги туризм фаолияти нуқтаи-назаридан мамлакатнинг улкан имкониятлар хазинаси эканлигини кўрсатади ва ушбу чексиз имкониятларни ишга солиш, ундан миллат ва давлат тараққиёти йўлида кенгроқ фойдаланиш йўллари ахтариб топиш жумладан, ушбу йўналишда ҳукукий воситаларни такомиллаштириш⁸ тадқиқот ишининг мақсадларидан саналади.

Тадқиқот ишининг вазифалари. Мазкур тадқиқот ишини ўрганишда кўйидаги вазифаларини белгилаб олдик:

- тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури сифатида туризм фаолиятининг тушунчасини аниқлаш;
- фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида туристик хизматларнинг ҳукукий табиатини ўрганиш;
- туристик хизматларга оид шартномаларнинг тарафлари ва уларнинг ҳукукий ҳолатини белгилаш;
- туризм фаолиятини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчилик ва халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш;
- туристик фаолиятни халқаро хусусий ҳукукий жиҳатларини ўрганиш;
- ҳозирги вақтдаги туризм фаолиятидаги ютуқ ҳамда камчиликларни қиёсий таҳлил этиш;
- ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганишдан иборат.

Тадқиқот объектини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хизматлар кўрсатиш ҳажми, тараққиёти, ассортименти ва сифатини кескин юксалтириш тўғрисидаги йул-йўриқлари, туризм фаолиятини ривожлантириш соҳасидаги давлат тадбирлари ва дастурлари, ушбу соҳани такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган илмий

⁷ И.А. Каримов. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар Ўзбекистон миллий истиклол ва иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1.Т.:Ўзбекистон, 19966.-Б.13.

⁸ Каранг: Хамедов И.А. Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташки иқтисодий фаолият асослари. Дарслик. Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001.,-Б.57.

тадқиқотлар, ахборот воситаларида сайёҳлик муаммоларига бағишлаб эълон қилинган чиқишлар, туристик хизмат кўрсатиш соҳасида халқаро ташкилотлар даражасида амалга ошириладиган ишлар ва бошқа ахборотлардир.

Тадқиқотнинг предмети эса туристик хизмат ва бу хизмат турини кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий хусусиятлари, туристик хизмат кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ўз миқдорлари - туристлар билан, давлат органлари билан, бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатларининг фуқаролик ҳуқуқий нормалари орқали тартибга солинадиган қирралари, туристик хизмат кўрсатиш юзасидан тузиладиган шартномалар, уларнинг мазмуни, ижро этилишини таъминланиши, шартнома мажбуриятини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юз бериши, жавобгарликни чеклаш ёки ундаи бутунлай озод қилиш масалалари устида илмий тадқиқотлар юритилиши, умумлаштиришлар ўтказилиши ва шу асосда илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқилиши саналади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. туризм-сайёҳлик билан боғлиқ бўлган ижтимоий воқеаликка ҳуқуқий жиҳатдан баҳо бериш, фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ва дам олиш ҳуқуқини амалга оширишнинг энг самарали шаклларида бири сифатида унинг инсон ҳаётида тутадиган ўрнини кўрсатиш асосида туризмга фуқаролик ҳуқуқий нуқтаи-назардан ёндошиш, шунга кўра инсон ҳаётида муҳим роль уйнаши мумкин бўлган хизмат тури сифатида унинг ҳуқуқий мазмун-моҳиятини очиқ беришдан иборатдир.

Тадқиқотчи илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида туристик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш, яхшилаш юзасидан-янги илмий қарашлар ғоялар ва тушунчаларни илгари суришга ҳаракат қилди. Жумладан, туризм тўғрисидаги амалда бўлган қонуннинг камчиликлари аниқланиб, уларни бартараф этиш, туризмнинг ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллар ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар, аниқ таклифлар билдирилди.

Тадқиқотнинг асосий илмий янгилиги бугунги бозор талаблари асосида туристик хизмат кўрсатиш фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий хусусиятларини

мукаммал ўрганиш, муоммоларин аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан таклифлар олға сурилишидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унда илгари сурилган илмий ғоялар, таклиф-мулоҳазалар, янги ҳуқуқий конструкцияларнинг ҳаётга жорий этилиши мамлакатимизда туризм хизматининг тараққий топиши учун ҳуқуқий заминнинг янада мустаҳкамланишига, туристик хизмат кўрсатиш фаолиятини аҳолига кўрсатиладиган хизмат турларида бири сифатида кенг тарқалишига ва мамлакатимиздаги табиий-географик тарихий, маданий ҳамда иқтисодий-иҷтмоӣ омиллардан энг кўп даражада фойдаланиш орқали ривожланган мамлакатлар билан беллаша оладиган кўринишдаги туризм индустриясининг юзага келтирилишига, туризмни мамлакат миллий бойлигини кўпайтириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш соҳасидаги қудратли ҳаракатлантирувчи кучга айлантиришга имкон беради. Мамлакатимизда туризм индустрияси инфратузилмасинининг ривожланмасдан қолаётганлиги сабабларидан бири ҳам ушбу соҳада илмий тадқиқотлар жуда камлиги билан ҳам изоҳланиши мумкин.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Илмий тадиқот иши 2 та боб, 4 та параграфни ўз ичига олган, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 68 бет бўлиб, унда 70 та манбадан фойдаланилган.

I БОБ. ТУРИСТИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШИИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1. Туристтик хизмат кўрсатиш тушунчаси, унинг объектлари ва туристтик хизмат фаолияти субъектлари.

Туристтик хизмат кўрсатиш – ҳозирги замонни акс эттирувчи воқелик бўлиб, инсон фаолияти кўриниши сифатида ўзининг аниқ ифодаланган, мураккаб тусдаги объектлар мажмуига эга, бу Объектлар масалага қандай ёндошилаётганлиги нуқтаи маъназарида ўз ичига турли предметларни қамраб олиши мумкин.

Туристтик хизмат кўрсатиш фаолияти жаҳон иқтисодиётининг энг динамик ривожланиб бораётган тармоғи сифатида Ўзбекистонда туризм хизмати индустриясинигина эмас, балки умуман иқтисодий тараққиётнинг ҳам жадал ривожланишига хизмат қилиши мумкин. 1997 йилда туризм фаолияти фойда келтириш кўрсаткичи жиҳатидан иккинчи (нефт саноатидан кейин) ўриндаги индустрия саналган.

Бутунжаҳон Туристтик Ташкилоти мўлжалларига қараганда ХХІ аср бошларига келиб жаҳон миқёсида туристлар сони 700 миллион кишидан ортиши, ундан келадиган фойда эса 621 миллиард АҚШ долларига етиши, 2020 йилга бориб эса туристлар сони икки ҳисса кўпайгани ҳолда ундан келадиган фойда 2 триллион АҚШ долларига етиб, даромадлилиги жиҳатидан биринчи ўринга чиқиши кутилмоқда. Ушбу ривожланишга хос ўсишлар Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Жумладан, охириги 5 йилда Республикага келадиган туристлар оқими 1,6 марта, хорижий меҳмонлар оқими эса 2,9 марта ўсган. 1999 йилда 731,2 минг туристга, шу жумладан 271,1 минг хорижий туристга хизмат кўрсатилган бўлиб, олинган умумий фойда 3653,3 миллион сўмни ва 20,9 миллион АҚШ доллари қажмидаги хорижий валютани ташкил этган. БМТ ТД (Проон) экспертлари фикрига кўра 2002 йилда туристлар сони

1,2 миллион кишига, даромад эса 1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида бўлиши кутилмоқда⁹.

Туристик хизмат объектлари ҳақида сўз юритишдан аввал халқаро туристик хизмат кўрсатиш статистикасига кўра айрим олинган мамлакатга нисбатан (масалан, Ўзбекистон Республикасида) туризмнинг қуйидаги кўринишлари мавжудлигига аҳамият бермоқ лозим:

а) ички туризм, яъни бирон-бир мамлакат аҳолиси ўз мамлакати бўйлаб саёҳат қилади;

б) ташқаридан келган сайёҳларнинг, яъни бирон –бир мамлакат аҳолиси саналмайдиган шахсларнинг бегона мамлакатдаги сайёҳлиги;

в) мамлакат фуқароларининг мамлакат ташқарисига (бошқа мамлакатларга) саёҳат қилишига қаратилган туризм.

Туризмнинг ушбу асосий кўринишлари турлича мужассамлангани ҳолда намоён бўлиши мумкин ва шунга кўра:

1. Бир мамлакат доирасида ички туризмни ва бошқа мамлакатлардан келган туристларни бирлаштирувчи туризмга;

2. Ички туризмни ва бошқа мамлакатларга саёҳат қилишни қамраб олувчи миллий туризмга;

3. Бошқа мамлакатлардан туристлар келиши ва бошқа мамлакатларга туристлар жўнатилишини ўз ичига қамраб олувчи халқаро туризмга бўлиниши мумкин.

Туризм-ижтимоий ҳаётнинг бир қисмидир ва шу сабабли ҳар бир давлат ўз сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқар экан энг аввало уз фуқаролари учун ижтимоий қулай (комфорт) шароит яратилишини, уларнинг самарали дам олишларига кўмаклашиш соғлиқларини мустаҳкамлаш ва қайта тиклашлари учун қулай имкониятлар яратилишини назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида эълон қилинган туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳам ушбу мақсадга бўйсундирилган. Дуровичнинг

⁹ Хамидов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Дарслик Т.: Адабиёт жамғармаси. 2001. Б. 257

таърифлашича: “Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати бу - мамлакатда туристик индустрияни ривожлантириш, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, туризмнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг йиғиндисидан иборат”¹⁰. Шунингдек, ушбу таърифга қўшимча қилиб, туризм соҳасидаги сиёсат халқаро вазиятдан келиб чиққан ҳолда қулай иқтисодий ва ҳуқуқий режимни яратиб берилишидан ҳам иборат эканлиги қайд этилмоғи лозим.

Туризм хизмати кўрсатиш фаолияти ижтимоий соҳа сифатида қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

- а) моддий неъматларни ва бошқа номоддий товарларни истеъ- молчига етказиш;
- б) истеъмол жараёнида хизмат кўрсатиш;
- в) одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш;
- г) аҳолининг умумтаърифий ва маданий-техникавий савиясини шакллантириш. Туризм хизматида транспортдан, бошпанадан, дам п.т.т.т.т тарзидаги уқлик мажмуи сифатида қаралганида ҳам, у ўз ичига юқорида санаб ўтилган социал функцияларнинг барча асосий кўринишларини бирлаштиришини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги замонда шахснинг камол топишида туризмнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Туризм туфайли сайёҳлар ўз интеллектуал салоҳиятларини оширади. Шахснинг ижтимоий мақомини юксалтириш имкони туғилади. "Кардинал трэвэл" компанияси (АҚШ) бошқарувчиси фикрига кўра "аввал америкаликлар саёхатда дабдаба - сифатида караган бўлсалар, бугунги кунда шахс савияси ва салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи инвестиция тарзида баҳоламоддалар. Дам олиш учун ажратиладиган маблағлар ўртача моддий аҳволдаги оила бюджети харажатларида сезиларли ўринни эгалламоқда”¹¹. Юқоридагилар умумлаштирилгани ҳолда туристик хизмат объектлари деганда ички, миллий ва халқаро туризм хизматини ташкил этиш чоғида туристларнинг самарали ва унумли дам олишларини таъминлаш мақсадида уларга муайян ҳақ эвазига муайян хизматлар мажмуи ёки айрим хизмат турларининг алоҳида тарзда кўрсатилиши назарда тутилмоғи лозим.

¹⁰ Дурович А.П. Маркетинг в туризме. Учебное пособие. Минск., 000 «Новое знание», 2003г., С.39

¹¹ Экономика Современного туризма. СПб. 1998.-С.21.

Туристтик хизмат объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

1. Турли хизматлар (транспорт, меҳмонхона, овқатланишни ташкил этиш);
2. Ахборот-сервис хизмати;
3. Турли-моддий ва номоддий бойликлар.

Муайян моддий маҳсулот ёки хизматнинг туризмга мансублиги энг аввало ушбу объект ўз хусусиятлари билан сайёҳларга мўлжалланганлиги билан тавсифланади. Туристтик хизмат объектлари ранг-баранг бўлиб, тарихий ривожланиш, фан-техника тараққиёти натижасида уларнинг турлари тобора кўпайиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Мамлакатнинг ички ҳамда халқаро туризм хизматини амалга оширишида, туристтик хизматларни, яъни туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт-ахборот, реклама, бошқа хизматлар кўрсатилишидаги асосий шахс-туристтик фаолият субъектларидир. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида туристтик фаолият субъектларига таъриф берилиб айтиладики: "Туристтик фаолият субъектлари-белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристтик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар" назарда тутилади.

Халқаро туризм фаолияти муносабатларида туристтик хизмат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар туристтик сервиснинг қайси шакли, йўналиши билан шуғулланишларига кўра, яъни тур хизмат маҳсулотларини шакллантириши, тақдим этиш ёки реализацияси билан шуғулланишига кўра турли тушунчалар номлар билан таърифланадилар. Масалан, туроператор, турташкилотчи, турагент, улгуржи-агент, чакана хизмат агенти, туристтик воситачи ва бошқа тушунчалар шулар жумласидан саналади. У ёки бу туристтик фирма хусусиятларин акс эттирувчи юқоридаги тушунчалар билан бир каторда туристтик хизмат кўрсатиш бизнеснинг ҳар қандай тури билан шуғулланувчи, ўз хизматларини туризм хизмати бозоридаги истеъмолчиларига сотиш билан машғул бўлган ҳар қандай ташкилотни умумлаштирилган ҳолда ифодаловчи "Туристтик агент" атамаси ҳам кенг қўлланиб келинади. 1992 йилда жаҳонда 67000 тага яқин турли туристтик агентликлар мавжуд бўлган ва улардан 47 фоизи АҚШда, 30 фоизи Европа, яқин шарқ ва Африка

мамлакатларида, қолган 23 ғоизи жаҳоннинг бошқа минтақаларида фаолият олиб борган¹².

Собиқ Иттифоқ таркибига кирган кўпчилик давлатларнинг туризм тўғрисидаги қонунчилигида ҳам туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъектлари фаолият турига кўра махсус номлар билан тарифланадилар. Масалан, “Россия Федерациясининг туристик фаолият асослари тўғрисида”ги Қонунига кўра “туроператор” ва “турагент” тушунчалари таърифланган.

Ушбу қонуннинг 1-моддаси мазмунига кўра туроператор деганда туристик фаолиятнинг барча шакллари билан шуғулланиши мумкин бўлган шахс тушунилади. Турагент деганда эса туризмга оид хизматларни тақдим этувчи ва сотиш (реализация) билан шуғулланувчи ташкилот назарда тутилади.

Шунингдек Қозоғистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги 1992 йил 3 июлда қабул қилинган Қонунида ҳам “туристик ташкилотлар ва корхоналар” атамаси ишлатилган бўлиб, “туроператор”, “турагент”, “турфирма” тушунчалари қўлланилмасада, аммо туристик фаолият билан шуғулланувчи миллий юридик ва жисмоний шахслар, хорижий юридик ва жисмоний шахслар ҳамда, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг алоҳида аниқ ҳуқуқии мақоми белгилаб қўйилган. (қонуннинг 2-моддаси).

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ва ҳозирда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоси бўлган бошқа бир қатор давлатларнинг туризм фаолиятига оид қонунчилигида ҳам туристик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати у ёки бу даражада белгилаб берилган.

Юқорида кўриб чиқилган тушунча ва таърифлар таҳлили Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда анча содда на мукамалликдан йироқ терминлар ишлатилганлигини кўриш мумкин. Энг аввало, туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятларни амалга ошириш уяун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг барчаси туристик фаолият субъекти деб таърифланишининг узи унчалик тўғри бўлмаса керак. Чунки “корхона”, “муассаса”,

¹² Туризм сервисес баск гроунд нот бай секретарият консил фор Траде сервисес 5123 кузеуьуикг, 98.

“ташкилот” атамаларининг ўзига хос функциялари бўлиб, фаолият йўналишларига кўра бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Корхона деганда, одатда моддий неъматлар ишлаб чиқариш, уларни ташиш ёки яратилган бойликларни қайта ишлаш, сотиш кабилар билан боғлиқ бўлган хизматлар кўрсатишга оид фаолият юритувчи субъект тушунилса, муассаса деганда эса муайян социал бошқарувни амалга оширувчи ташкилий бирлик назарда тутилади. Ташкилот деганда корхона ва муассасадан фарқ қилувчи, хўжалик фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, ташкиллаштириш билан шуғулланувчи ижтимоий бирлик назарда тутилади. Туристик хизмат кўрсатиш фаолияти туристик хизмат корхоналар ёки муассасалар томонидан кўрсатилади деб айтиш ғайритабиий туюлади. Шу сабабли туристик хизмат фаолияти субъектлари тушунчаси ва унинг қонунларда ифодаланган аниқ таърифи ўзаро мувофиқлаштирилиши, туристик хизмат фаолияти субъектларининг қонунлардаги таърифи унинг асосий хусусиятлари ва юридик белгиларини акс эттириши лозим. Маълумки, бунда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий номланиши эмас (корхона ёки ташкилотлиги), балки фаолият мақсади биринчи ўринга қўйилмоғи лозим. Бизнинг назаримизда “Туризм тўғрисида” ги Қонуннинг 3- моддасидаги “Туристик фаолият субъектлари” тушунчаси қуйидагича таърифланиши лозим: Туристик фаолият субъектлари бўлиб туристик хизмат бозорида туроператор, турагент ёки бошқа шаклда фаолият юритиш юзасидан белгиланган тартибдаги лицензияга эга бўлган, сифатли даражада хизмат кўрсатиш салоҳияти мавжуд юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъектлари ҳисобланиши мумкин.

Уларнинг моддий-техникавий, молиявий, мутахассис кадрлар соҳасидаги энг кам кўрсаткичларига тааллуқли талаблар Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан белгиланади".

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида туристик хизматлар кўрсатишга ихтисослашган хўжалик субъектлари қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда (Хўжалик ширкатлари, жамиятлари ёки коммандит ширкат), (масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти)¹³

¹³ Бу ҳақда батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. (58-72 моддалар); Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун

ташкил этилиши хақида аниқ кўрсатилмаган. Демак, туристик фаолият субъекти бўлган юридик шахслар ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда таъсис этилиши мумкин, деган хулоса чиқариш мантиқан тўғри бўлади.

Ҳатто тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ҳам тадбиркорлик, яъни фойда олишга қаратилган фаолият билан қонун доирасида шуғулланишлари мумкин¹⁴. Демак қўйиладиган талаблар бажарилгани тақдирда нотижорат ташкилотлар ҳам ўз устав мақсадлари доирасида (Масалан, жамоат бирлашмалари тарихий маданий, илмий, спорт, диний ва бошқа мақсадларга қаратилган тадбирлар, ўзаро алоқа ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида аниқ мақсадли туризм фаолияти билан) шуғулланишлари мумкин.

Турист хизмат билан боғлиқ фаолият ана шундай фаолиятни амалга ошираётган субъектларга ишонганлари ҳолда улар хизматида фойдаланадиган фуқароларнинг моддий манфаатларига, соғлиқ-саломатликларига ва ҳатто ҳаётларига тааллуқли бўлганлиги ушбу ҳаётий манфаатларнинг муҳофазаланиши, бу ҳуқуқлар бузилгани тақдирда эса бузилган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши, етказилган зарар ўрни тез ва тўлиқ ҳолда қопланишининг қафолатланишига оид зарур иқтисодий ҳамда ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза этилиши кўзда тутилишини тақозо этади. Бизнинг назаримизда ана шундай қафолатлаш чораларидан бири - суғурталаш фаолиятидир.

Ўзбекистонда суғурта хизмати бозорининг ривожланиб бориши билан мутаносиб равишда суғурта фаолиятига доир қонунчиликнинг такомиллашиб бораётганлиги туризм соҳасида ҳам суғурталаш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш учун зарур ҳуқуқий шароитни вужудга келтиради. “Суғурта” бозори жамиятда амал қилувчи яхлит тизимнинг бир сектори бўлиб, бозорнинг бошқа секторлари билан ўзаро алоқада ва ўзаро таъсирда бўлади”¹⁵, яъни туризм хизматининг суғурта бозорида суғурталанувчи сифатида қатнашиши мамлакатда туризмнинг ҳам, айти пайтда суғурта бозорининг ҳам янада самаралироқ ривожланишига хизмат қилади.

хужжатлари тўплами. 2002й. 2-сон 11-модда, Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуни. Шу манба.12-модда.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ги қонунининг 31-моддаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999й. № 5,115 - модда.

¹⁵ М.Йўлдошев, Й.Турсунов. Суғурта ҳуқуқи. Т.:Молия.2002 -Б.5.

Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши билан бу соҳадаги эркинлаштиришлар янада кучайтирилди ва суғурта фаолияти, яъни суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди, суғурталанувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча чоралари назарда тутилди.

Шу сабабли жаҳондаги кўплаб мамлакатлар миллий қонунчиликларида туристик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш давлатнинг қатъий назорати остида амалга оширилади. Чунки катта молиявий маблағлар иштирок этадиган доираларда турли фирибгарлар, енгил пул топишга ишқибоз кимсаларнинг ўралашиб юриши, қулай фурсат келди дегунча “ўлжа”ни ўмаришга интилиши табиий. Ана шундай фирибгарлардан туристларни ҳимоя қилиш давлатнинг вазифалари сирасига киради. Бундан ташқари бундай фирибгарларнинг бўлиши давлатнинг халқаро обрў - эътиборига путур етказди, мамлакатда криминоген вазиятнинг мураккаблашувига сабаб бўлади¹⁶. умуман олганда ҳар қандай давлат ташқи иқтисодий муносабатлар жараёнини кузатиб бормоғи, бунда ўз миллий манфаатлари, ҳарбий, иқтисодий ва бошқа хавфсизликларини ҳимоя қилиш чораларини кўрмоғи лозим. Айни пайтда ушбу масалага асоссиз урғу берилиши, туризм фаолияти билан шуғулланишининг хаддан зиёд қаттиққўллик билан давлат назорати остида бўлиши ҳам мамлакатда туристик фаолият тараққиётига салбий тасир кўрсатади. Ўзбекистонда туризм фаолияти ривожининг сустигининг сабабларидан бири салбий омиллар қаторида бу соҳага давлат аралашуви катта эканлиги муаллифлар томонидан қайд этиб келинмоқда¹⁷, ҳамда бу соҳага давлат аралашувининг камайтирилгани ҳолда хавфсизликни (молиявий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, экологик ва хоказо) таъминлашнинг самарали усуллари таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида туризмга оид фаолият лицензияланадиган фаолият турларидан саналади. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонунда

¹⁶Туристтик хизмат кўрсатувчи фирма ниқоби остида ёш қиз-жувонларни чет элга жўнатиш билан шуғулланаётган ва фохиша хоналарда улардан фойдалангани ҳолда жуда катта ноқонуний даромад олаётган шахслар ҳақида матбуотда кўплаб хабарлар берилмоқда. Интер фохишахоналар. // Адолат кўзгуси 2001й 40 сон; самарқандлик фохишаларнинг чет элдаги саргузаштлари. Адолат кўзгуси. 2002 й.,49-сон ва бошқалар кетган қиз ва унинг аянчли қисмати. // Адолат кўзгуси 2001й 49 сон

¹⁷ Ходжаев.Э. почему туристы игнорирует Узбекистан? // Бизнес-вестник. Востока, 17 январь 2003 г.: Таксанов А. Мартин Хеккер: «Узбекистан не полностью используют туристический потенциал». // новости Узбекистана, 24 октябрь 2003 г.

(8-модда) “туристик фаолият лицензия асосида амалга оширилиши” белгиланган. Мазкур қонуннинг 3-моддасига кўра эса туристик фаолият билан фақат корхона, ташкилот ва муассасалар, яъни юридик шахс мақомини олган хўжалик субъектлари шугулланишлари мумкин. Ўзбекистонда юридик шахс мақомини олмаган якка тадбиркорлар - жисмоний шахслар томонидан туризм фаолияти билан шугулланишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25-майдаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунида лицензия бериш тартиблари, шартлари, лицензия берувчи ваколатли давлат органларининг ваколатлари ва бошқа қўлаб лицензиялаш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган.¹⁸

Ушбу қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сонли қарорига кўра “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом” тасдиқланди¹⁹. Мазкур Низомга мувофиқ лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилинишини тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Туризм фаолияти билан шугулланиш учун 5 йил муддатга намунавий лицензия фақат юридик шахс мақомига эга субъектларга берилиши белгилаб қўйилган. Низом лицензия берилиши шартлари, асослари ҳамда тартибларини назарда тутди. Туристик фаолият билан шугулланиш учун лицензия олган туристик фаолият субъекти томонидан кўрсатиладиган туристик хизматларнинг белгиланган миллий ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос бўлишини назорат қилиш, тегишли хизмат кўрсатиш қоидалари бузилгани тақдирда кўриладиган маъмурий ва бошқа таъсир чоралари ушбу Низомда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутиб қўйилган.

Мамлакатимиздаги туристик амалиётни кузатиш жараёнида айрим шахслар (асосан турли хизматлар кўрсатиш мақсадида ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар шаклида) ҳеч қандай лицензия олмасдан туризм фаолияти билан шугулланиб келганликлари шу жумладан фуқароларни ноқонуний чет элга чиқариш биланбанд бўлганликлари аниқланди. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида шу жумладан

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000Й.5-6 сон, 142-модда.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003Й.21-сон, 212 модда.

туристик фаолият соҳасида юқоридаги ўхшаш қонунбузарликлар учун қўриладиган иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлик чоралари мамлакатимизнинг тегишли Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган²⁰.

“Туризм тўғрисида”ги қонуннинг мазмунига кўра Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъекти саналувчи юридик шахсни ҳар қандай ташкилий ҳуқуқий шаклда: хусусий корхона, аксиядорлик жамияти жамияти, ҳўлсалик ширкати, жамоа корхонаси, қўшма корхона ёки бошқа ҳар қандай кўринишда ташкил этилиши мумкинлигини назарда тутди. Шу жумладан бошқа турдаги асосий ҳўжалик фаолияти билан (масалан, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар) шуғулланиб турган амалдаги корхона томоидан қўшимча фаолият тури сифатида туристик хизмат кўрсатилишига йўл қўйилади деган ҳулосага ҳам келиш мумкин.

Туристик хизмат кўрсатишни ўзгичинг фаолият мақсади қилиб олган субъект белгиланган тартибга амал қижани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бериладиган рухсатнома (лицензия)ни олиши, шундан сўнг белгиланган тартибда ўзи жойлашган ердаги маҳаллий давлат ҳокимияти органида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.²¹ Шундан сўнг у юридик шахс мақомига ва фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлади.

Туристик фаолият субъектлари бизнинг қонунчилигимизга кўра корхона, муассаса ташкилотлар эканлиги белгиланган бўлсада халқаро қонунчиликка ва кўпгина мамлакатларнинг миллий ҳуқуқ тизимларига кўра турли кўриниш ва шакилларда бўлиши назарда тутилган бўлиб, бунда уларга туризм хизматининг қайси турларини кўрсатиши, фаолият қамрови ва бошқа кўрсаткичлар асос қилиб олинади. Халқаро туристик хизмат бозоридаги муомалада ва айрим давлатлар миллий

²⁰ Қаранг- Жумладан, юридик шахсларга молиявий жазо Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 135 моддасига биноан, Мансабдор шахслар ва бошқа фуқароларга эса маъмурий жазо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 176-моддасига биноан ва жиноий Ўзбекнстон Республикаси Жиноят Кодекси 190 моддасига биноан жавобгарликлар қўлланилиши кўзда тутилган.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик: ва ўрта бизнесни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги фармонида узгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги" ПФ 3505 сонли фармони ва 2003 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 357-сонли қарорига кўра давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари туплами 2003й.№ 15-16, 121-модда; 2003.15-16, 130-модда.

конуичиликларида "туроператор", "ташкилотчи", "туристик агент", "улгуржи-агент", "туристик даллол каби атамалардан фойдаланилади. Бу атамалар мазмуни турли мамлакатлар қонунчилигига кўра ўзаро фарқ қилувчи мазмунга эга бўлган ҳоллар ҳам учраб туради.

Европа Иттифоқига мансуб бўлган кўпчилик мамлакатларда агентлик ва туроператорлик фаолияти тарзидаги таснифлашдан ташқари фирмалар томонидан (ички, ташқаридан келиш ёки ташқарига чиқишга асосланган) амалга ошириладиган туристик хизмат ҳам алоҳида тур сифатида кўрсатилади. Масалан, Италияда туристик фаолиятнинг барча турлари билан (шу жумладан хорижий туризм хизмати билан ҳам) шуғулланадиган фирмалар; мамлакат ички бозорида иш юритувчи туроператорлар ва турагентлар қайд этилади. Испания қонунчилигига кўра эса туристик хизмат кўрсатиш фаолияти олиб боровчи субъектларнинг қуйидаги уч тури назарда тутилади:

1. Улгуржи турагентлик (wholesale travel agencies);
2. Турагентлик (retail travel agencies) улгуржи турагентлик маҳсулотларини туристларга сотади;
3. Улгуржи ва чакана туристик фаолият билан шуғулланувчи (юқоридаги 1 ва 2 агентликлар мажмуи тарзида) турагентлик (wholesale retail travel agencies)²².

Россия Федерациясининг 1996 йил 4 октябрда қабул қилинган Россия Федерациясига туристик фаолият асослари тўғрисидаги федерал қонунининг 1-моддасида ҳам "туристик хизмат фаолият субъектлари" деган тушунча назарда тутилган эмас ва унинг ўрнига "туроператорлик фаолияти" ҳамда "турагентлик фаолияти" деган атамалардан фойдаланилган бўлиб, бундай тушунчалар халқаро қонунчилик талабларига мос келади.

Юқорида туристик хизмат кўрсатиш лицензияланадиган фаолият турларидан саналиши ва уни лицензиялашнинг қонунчилик асослари баён этилди.

Турист хизмат фаолияти субъектлари ўз фаолиятларини олиб боришлари учун олдиндан лицензия олиш тартибига риоя қилмаганлари тақдирда унинг ҳуқуқий оқибатлар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бўлиб, бунда турфирма учун

²² Қаранг: Долматов Г. М. Правовые основы туристического бизнеса. М: 1997.-С.40.

молиявий жазо қўлланиши,²³ уларнинг мансабдор шахслари эса маъмурий²⁴ ёки жиноий²⁵ жавобгарликларга тортилишлари назарда тутилган.

Туристик хизмат фаолияти олдиндан лицензияланишидан ташқари, кўрсатиладиган хизматлар олдиндан сертификацияланиши ҳам талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги "Махсулотлар ва хизматларни сертификациялаштириш тўғрисида"ги қонуни²⁶ ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида махсулотларни ва хизматларни сертификациялаш тартиблари белгилаб қўйилган.

Туристик хизмат фаолияти соҳасидаги хизматларни сертификациялаштиришга тааллуқли умумий қоидалар, мажбурий тарзда, тегишли ҳолларда туристик фаолият субъекти хоҳишига кўра мажбурий сертификацияланиши талаб этилмайдиган хизмат турларини ихтиёрий равишда сертификациялаш тартиблари махсус норматив ҳукукий ҳужжат-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 18 мартда 911-тартиб сони билан давлат рўйхатида олинган "Туристик хизматларни сертификациялаштириш тартиби"да белгилаб қўйилган.

Сертификациялаш бу - аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида махсулот ва хизматлар сифатини тартибга солишга қаратилган тартиб-қоидалардан иборатдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2500 дан ортиқ махсулот ва хизматлар сертификацияланади.

Сертификациялашдан кўзланган асосий мақсадлар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- 1) фуқаролар саломатлиги, ҳаёти, мулкӣ ҳуқуқларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш.
- 2) махсулот ёки хизматнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш.

Истемолчини инсофсиз ишлаб чиқарувчида химоя қилиш махсулот ёки хизмат келиб чиққан жойни белгилаш кабилар. Махсулот ва хизматларни

²³ Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси 135-моддаси, 6-банди. Т.: Адолат. 1999.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 176-моддаси. Т.: Адолат. 1999.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 190-моддаси. Т.: Адолат. 2001.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994й. 2-сон, 50-модда.

сертификацияланиш мажбурий бўлган маҳсулот (хизмат) ларни сертификацияламаслик ҳуқуқий оқибатлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган²⁷.

Маҳсулот (хизмат) ларни сертификациялаш деганда ваколатли давлат томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган норматив-меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, унда маҳсулот ва хизматларга нисбатан белгиланадиган нормалар, қоидалар ва талаблар йиғиндисидан иборат.

Туристик хизматларни сертификациялаштириш тартибига кўра туристик хизматларни сертификациялаш пайтида қуйидагилар текшириб чиқилади:

- хизматлар тегишли хизмат турига мансублиги, шу жумладан белгиланган таснифлаш гуруҳига (ОКУН) тўғри келиши аниқланади;
- сертификацияланаётган хизмат турининг белгиланган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ келиши тасдиқланади;

Туристик хизматни сертификациялашдан кўзланган мақсадга мувофиқ равишда текшириляётган бошқа кўрсаткичлар таркиби аниқланади.

Тегисли тарзда сертификациядан ўтказилмаган туристик хизматларнинг кўрсатилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилишига олиб келади.²⁸

Маҳсулот (хизмат)ларни стандартлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Туристик хизматлар кўрсатиш юзасидан ҳам тегишли стандартлар тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунида туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъектлари сифатида умуман корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳақида сўз юритилганлиги туфайли махсус тарзда туристик фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари мақомини мазкур қонун билан белгилаш муайян қийинчиликлар туғдиради.

Шунингдек, ушбу қонунда туристик фаолият субъектлари масаласининг мавжудлиги уларнинг айрим фаолият йўналишига кўра (туроператор, турагент

²⁷ Маҳсулот (хизмат)ларни сертификациялаш ва стандартлаштириш ҳақида шунингдек, қаранг: Деловая среда в Узбекистане.// Бизнес – вестник Востока, 2004 г., №4

²⁸ Қаранг Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 166- моддаси; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекснинг 186-моддаси.

турвоситачи ка бошқалар) тавсифлаш имконини бермайди. Шу сабабли тадқиқотчи қонуннинг туристик фаолият субъектларига оид бўлган қоидалари қайта кўриб чиқилиши ва унинг мазмуни халқаро тушунчаларга мувофиқлаштирилиши лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунига аниқликлар киритилиши ва туристик хизмат фаолияти тадбиркорлик фаолиятдан иборат эканлиги алоҳида қайд этилиши лозим. Фикримизча, ана шу мақсадда қонуннинг асосий тушунчаларни таърифловчи 3-моддасидаги "туристик фаолият субъектлари" деб аталувчи тушунчалар кенгайтирилиши, уларда туристик фаолият, экскурсия фаолияти, оддий фаолият бўлмасдан, балки тадбиркорлик фаолияти эканлиги, туристик фаолият субъектлари эса оддий субъектлар бўлмасдан тадбиркорлик субъектлари эканлиги аниқ кўрсатиб қўйилмоғи лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу масалани таҳлил қилиш чоғида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ("Туризм тўғрисида" ги қонунни 3-моддаси) туристик хизмат фаолияти билан шуғулланишга фақат юридик шахс мақомига эга бўлган субъектларгагина рухсат берилганлиги эътиборни ўзига қаратади ва ушбу ҳолат қайта кўриб чиқилиши ва туристик, экскурсия фаолиятининг айрим шакллари билан (масалан, узоқ тоғлик жойлар, ўзига хос табиат манзаралари мавжуд ерларга экскурсиялар уюштирилиши, туристларга турар-жой маиший хизматлар кўрсатилиши ва бошқалар) жисмоний шахс - якка ҳолдаги тадбиркорларга шуғулланишларига рухсат этилиши лозим деб ўйлаймиз. Бундай либераллашув натижасида туристик хизмат кўрсатиш макони кенгаяди, мамлакатимизда туризм янада кенг ривожланади ва энг муҳими якка тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар фаолияти доирасининг асоссиз чекланишига барҳам берилади.

Юридик ва иқтисодий адабиётларда бевосита туристик хизмат фаолияти субъектлари саналмайдиган (туризм соҳасида лицензияси бўлмаган) ҳолда туристларга транспорт, алоқа, ахборот, банк-молпя ва бошқа хизматлар кўрсатувчи ташкилотларни ҳам туристик хизмат фаолият субъектлари жумласига киритиш ҳоллари учраб туради. Бизнинг назаримизда бундай қарашлар унчалик тўғри эмас. Чунки туристик хизмат кўрсатиш фаолияти махсус тартиб ва ҳуқуқий режим доирасида олиб бориладиган

фаолият бўлганлиги туфайли тегишли ҳуқуқий режим доирасидан ташқарида туристларга кўрсатилган хизмат ҳам туристик хизмат фаолияти деб ҳисобланмайди. Назаримизда "Туризм тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири тайёрланаётган пайтда туристларга турли-туман хизматлар кўрсатиш, туристик хизмат фаолияти субъекти мақомига эга бўлган субъектлар билан олдиндан тузилган шартномалар асосидагина бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги қайд этиб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мамлакатимизда замонавий туристик хизмат кўрсатиш индустриясининг вужудга келтирилиши, туризм фаолиятининг барча кўрсаткичлари бўйича халқаро андозаларга мувофиқ бўлишининг таъминланиши кўп жihatдан молиявий, технологик, илмий-техникавий ва бошқа шаклдаги чет эл инвестицияларининг жалб этилиш миқёслари ҳамда жадал суръатларига боғлиқ. Маълумки, чет эл инвестициясини жалб этишнинг жаҳонда кенг тарқалган ва энг самарали усулларида бири-қўшма корхоналар барпо этиш, хорижий субъектлар билан ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат. Ана шу ҳолатлар назарда тутилган ҳолда бир қатор муҳим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1998-йил 30-апрелдаги “чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунида²⁹ чет эл инвестицияларининг жалб этилиши билан боғлиқ масалалар назарда тутилган бўлса, “чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунида³⁰ Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатланиши ва ҳимоя қилинишига тааллуқли қоидалар белгилаб қўйилган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кейинги йиллар давомида чиқарилган бир қатор фармонлар,³¹ Вазирлар Маҳкамасининг туристик фаолиятга чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатланиши ва инвестициясининг жалб этилишини янада кенгайтириш, чет эллик туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъектлари уяун мамлакатимизда қулай иқтисодий ва ҳуқуқий

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й 5-6 сон 91-модда.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й 5-6 сон 93-модда.

³¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасини Буюк Ипак ўлини қайта тиклашдаги фаоллаштириш ва халқаро туризмни республикада ривожлантириш чора тадбирлари ҳақида”ги 1991 й 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикасида 2005 йилгача булган даврда туризмни ривожлантириши Давлат дастури тўғрисида”ги ва бошқа фармонлари 1995— 1999.Т.:Адолат. 2000. 680б

шароит (мухит) яратилишига қаратилган қарорлари³² муҳим рол ўйнайди. Аммо, туризмни чет эл капитали жалб қилган ҳолда ривожлантиришнинг баъзи муаммолари, миллий қонунчилигимиздаги камчиликларда эканлиги сезилиб қолади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги фармони³³га қўра, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар:

- корхонанинг низом жамғармаси 150минг АКШ долларидан кам бўлиши мумкин эмас;
- корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;
- хорижий сармоя улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарурлиги ўрнатилган.

Ушбу талаблардан айниқса хорижий сармоя иштирокидаги корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши лозимлигидан амалиётда жиддий қийинчиликлар келиб чиқади. Чунки етарли сармояси бўлган хорижий инвестор жисмоний шахс бўлиб (масалан, турист бўлиб), ўз маблағларини инвестиция қилиш учун хорижий юридик шахс қидириши лозимлиги ўз-ўзидан тўсик бўлиб, мамлакатимизнинг туристик жозибадорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда туризмни жадал ривожланишини таъминлаш, ушбу соҳага чет эл инвестицияси кириб келиши учун ҳуқуқий режимни янада қулайлаштириш, халқаро замонавий талабларга мос келадиган туристик хизмат индустриясининг барпо этилишини тезлаштириш, Ўзбекистоннинг туристик довуғини янада ошириш мақсадида туризм фаолияти соҳасида чет эллик субъектларга кенгроқ имконият берилиши, чет эллик фуқароларнинг ҳам тегишли

³² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 210-сонли “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризм инфратузилмаларини барпо этишга оид чора тadbирлар тўғрисида”ги, 1999 йил 12 июндаги 339 сонли “Чет эл инвестицияси иштирокидаги меҳмонхона мажмуиларига имтиёзлар бериш тўғрисида”ги ва бошқа қарорлар”

³³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари. 1995-1999. Т.:Адолат. 2000. 680 б.

туристик фаолият субъектлари сифатида фаолият юритишларига рухсат берилиши лозим.

Туристтик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи чет эллик субъектлар, чет эл инвестицияси иштирокидаги хўжалик юритувчи тадбиркорларга бошқа тармоқларда қўлланилаётгани сингари қулай иқтисодий режим яратилиб берилиши, уларга солиқ, божхона, молия-кредит ва бошқа соҳаларда имтиёзлар берилиши назарда тутилмоғи лозим деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги ўтиш даврида “моки” (челнок) савдоси авж олмакда ва шу тадбиркорлик фаолияти кўпчилик ҳолларда турист мақомига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилмоқда. Фударолик ҳукукида битимлар талаблари нуқтаи назаридан ушбу ҳолат бўйича бир мунча муаммолар келиб чиқиб, чет мамлакагга чиқиш учун туристик визани олиб, “турист” никоби остида тижорат билан шуғулланиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 124-моддаси талабларига биноан кўзбўямачилик битими бўлиб ҳисобланиши мумкинми деган савол туғилса, туристнинг туристик саёҳатлар мақсадида борилган жойда тижорат мақсадида ҳар хил товарларни харид қилиши унинг туристлик мақомига таъсир этмайди деб жавоб бериш мумкин. Бу ҳолатда Фуқаролик Кодексининг 9-моддасига биноан фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт дейилган талабга риоя қилинади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирда жуда ҳам кўплаб шоп-тур, бизнес-тур, авто-тур, ўқув, даволаниш турлари ва бошқаларнинг таклиф қилинаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ушбу таклиф қилинаётган турлар туризм бўлиши учун қонун талабларига кўра тегишли равишда расмийлаштирилганда, яъни туризм фаолияти билан шуғулланиш ваколатини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахс билан туристик хизмат кўрсатилиши тўғрисидаги шартнома тузилиб, ўрнатилган намунадаги туристик йўлланманинг олинishi талаб этилади. Акс ҳолда ушбу таклиф этилаётган турларни транспорт, меҳмонхона, таълим билан боғлиқ ва бошқа хизматлар деб аташ мумкин (агар бу фаолиятлар билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензиялари мавжуд бўлса).

2. Туристик хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ривожланган мамлакатлар туристик хизмат фаолиятига оид қонунчиликларининг қиёсий таҳлили

Ўзбекистон Республикаси туризм хизмати тўғрисидаги қонунчиликка оид масалалар шу пайтга қадар батафсил таҳлил этилган эмас ва унинг қонунчилик тизимидаги ўрни ва аҳамияти етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳадаги қонунчилиги бошқа мамлакатлар, биринчи навбатда ривожланган мамлакатларнинг туризм тўғрисидаги қонун актлари билан қиёсланиши ҳам амалга оширилган эмас. Ваҳоланки, қонунчиликни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бўлиб уни танқидий таҳлил қилиш, бошқа ҳукукий тизимларга мансуб қонунчилик ахволи билан қиёслаш саналади. Қонунчиликнинг қиёсий таҳлил қилиниши унинг заиф нуқталарини аниқлаш ва бартараф этиш, қонунларни илғор чет эл тажрибаси, мукаммал ҳукукий конструкциялар ҳисобига бойитиш имконини беради.

Собиқ СССР даврида туризм хизмат кўрсатиш фаолияти марказдан туриб бошқарилган бўлиб, унинг тарихи 1918 йил 12 апрелдаги Лениннинг "Подшоҳлар ва уларнинг малайларига қўйилган ҳайкаллари олиб ташлаш ва Россия Социалистик революциясига тааллуқли ҳайкалларни барпо этиш тўғрисидаги" декрети билан бошланади. Ушбу декретга кўра туризм фаолиятига мафкуравийлик сингдирилган эди. Унга кўра XX асрнинг 20- йилларида газеталарда эълон қилинган таърифларга мувофиқ; "Бизнинг туризм буржуа туризмга ўхшамайди. Буржуазия учун букўнгилхушлик, текинхўрлик ҳаёт зерикашларидан қочиб қутилишга уринишдир. Бизнинг туризм эса халқ оммаси маданият чўққиларига чиқишида бир босқич бўлиб хизмат қилади"³⁴.

Туризмнинг кейинги ривожланиши ва унинг ҳукукий тартибга солиниши уч улкан монополистик ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ бўлди. Булар: ВЦСПС (Қасаба уюшмалари бутуниттифоқ Марказий Кенгаши)нинг туризм бўйича Марказий

³⁴ Дворниченко В.В. Развитие туризма в СССР (1917-1983г.г.) М.: 1985.-С.14.

кенгаши СССР Хорижий туризм давлат комитети (Госком интурист) Халқаро ёшлар туристик бюроси (БММТ "Спутник") кабилардан иборат бўлган.

Илмий адабиётларда СССРда ички туризм хизмати тараққиёти ривожланиши тарихи тўрт босқичга бўлинади,

1. 1917 йилдан 1929 йилгача - Собик Россия туризмхизмати жамияти доирасида;

2. 1930 йилдан 1936 йилгача -пролетар туризми ва экскурсияси Бутуниттифок кўнгилли жамияти доирасида;

3. 1936 йилдан 1969 йилгача - ВЦСПС (Қасаба уюшмалари бутиниттифок Марказий Кенгаши) доирасида;

4. 1969 йилдан 1991 йилгача- туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий кенгаш доирасидаги ривожланиш.

Ўзбекистон Республикаси собик СССРнинг таркибий қисми бўлиб келганлиги учун ўша даврда туристик хизмат соҳасидаги ривожланиш ҳам унинг бир қисми сифатида баҳоланмоғи лозим.

1991 йил Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганидан кейин туризм хизмати соҳасида ҳам мустақил ривожланиш йўлини тута бошлади, аста-секинлик билан ички лшллий туризм хизмати ва халқаро туризмни ривожлантирилшпига хизмат қилувчи иқтисодий-ҳуқуқий ҳамда ташкилии шарт-шароитлар вужудга келтирила бошланди. Бунда Ўзбекистон халқаро тажрибадан унумли фойдаланишга, халқаро андозаларни кенг жорий этишга интилмоқда. Бу фаолият де-факто давлат мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган бўлса, де-юре бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари ва няхоят 1999 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан “Туризм тўғрисида”ги Қонун³⁵ қабул қилиниши билан мустаҳкамҳуқуқий асос қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги Қонуни кодификацион аҳамиятга эга бўлган муҳим қонун ҳисоблансада ва унда туризм фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги халқаро амалиёт маълум даражада ҳисобга олинган

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аиборотномаси, 1999 й. 9-сон 227-модда.

бўлсада, уни амалда қўллаш жараёнида муайян нуқсонлар ҳам мавжудлиги, айрим халқаро атамалар ишлатилмаганлиги ва бошқа мукамаллаштирилиши лозим бўлган жойлар мавжудлиги кўзга ташланиб қола бошлади.

"Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида биринчи марта бу соҳада қўлланиладиган муҳим атамаларга расмий-ҳуқуқий таъриф берилди. Бундай атамалар қаторига "туризм", "турист", "туристик фаолият", "экскурсия фаолияти", "туристик ресурслар", "туристик хизматлар" каби тушунчалар киради.

Бирок, ушбу тушунчалар мазмуни турли мамлакатларда турлича талқин этилиши, шу жумладан юқорида эслатилган Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги талқини ҳам ўзига хос жиҳатларга эга эканлиги бу соҳадаги ишлар давом эттирилиши лозимлигидан дарак беради.

Халқаро амалиётда туристик қонунчилик тармоғини ифодалаш учун турлича номлар қўлланилиб келинади. Масалан, Халқаро адвокатлар уюшмаси (IBA) ўзининг "V" Тижорат ҳуқуқи бўйича секциясини "Туризм, сайёҳлик ва меҳмонхона хўжалиги бўйича" комитети деб атайдиган (Travel, Tourism and Hospitality law)³⁶. Америкалик юрист олимлар эса сайёҳлик қонунчилиги (Travel law) билан меҳмонхоналарга оид қонунчилик (hospitality law)ни жиддий равишда ўзаро фарқлайдилар.³⁷

Юқоридаги таҳлил асосида айтиш мумкинки, туристик хизмат кўрсатиш фаолияти ва унга хизмат қилишга қаратилган меҳмонхона сервис хизмати (меҳмонхона, умумий овқатланиш, бошқа хизматлар) бир умумий фаолиятга қаратилган бўлсада, турли мазмун-моҳиятга эга бўлган муносабатлардир. Шу сабабли бизнинг фикримизга кўра улар қонунчилик нормаларида ҳам мустақил тарзда ўз аксини топиши лозим. Ана шу мақсадда "Туризм тўғрисидаги" Қонунга қўшимча киритилиши, яъни унда туризм хизмати кўрсатиш масалалари ва меҳмонхона, умумий овқатланиш хизматлари кўрсатилиши масалалари алоҳида моддаларда ва батафсил баён этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Туристик хизмат фаолияти предмети масаласида ҳам илмий адабиётларда ҳам, амалиётчилар ўртасида яқдиллик йўқлигини кузатиш мумкин. Кўпчилик олимлар

³⁶ Қаранг Section Newsletter of Committee "Y" of the International Bar Association Business Law/London. December 3., 1998.

³⁷ Қаранг: Anolic A. Travel Tourism and Hospitality Law USA Backspace Inc. 1995., P-VIII.

ҳақли равишда туристик хизмат фаолияти асосида фуқаролик қонунчилиги, тадбиркорликка оид бўлган қонунчилик ётишини таъкидлайдилар³⁸. Айни пайтда бунда давлат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ сингари оммавий ҳуқуқ соҳаларига оид қонунлар устивор мавқеига эга деб кўрсатувчилар ҳам оз эмас. Масалан, Я.Е. Парций Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида туристик фаолият тўғрисида”ги Қонуни ҳақида фикр билдириб, қуйидагиларни қайд этади: қонун фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Шу туфайли унинг асосий қоидалари фуқаролик ҳуқуқига оиддир. Шу билан бирга қонун давлатнинг шу соҳадаги сиёсати асосларини акс эттирувчи давлат ҳуқуқи нормаларини батафсилроқ акс эттиради”³⁹.

Туристик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда давлат ва жамият манфаатларини тўлароқ ҳисобга олиш ҳамда муҳофазаланишини таъминлаш нуқтаи-назаридан давлат ҳуқуқига оид бўлган қоидалар аҳамиятини етарли баҳолаган ҳолда тадқиқотчи бу фаолиятда фуқаролик қонунлари, тадбиркорликка тааллуқли қонунлар ҳукмрон мавқеига эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги қарашларнинг қатъий тарафдорларидандир.

Ўзбекистон Республикасининг замонавий туристик хизмат кўрсатиш қонунчилигининг шаклланиши ва ривожланишида халқаро ташкилотларнинг, хусусан Хизматлар билан савдо қилиш бўйича умумжаҳон савдо ташкилоти (ГАТС) томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар муҳим роль ўйнамоғи лозим деб ҳисоблаймиз. Туризм бўйича Гаага декларацияси билан бир қаторда ГАТС ишлаб чиқадиган қоидалар ҳам туризмга оид қонунчилик тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб беради.⁴⁰

Жумладан, ГАТС белгилаган қоидалар туризм соҳасидаги халқаро фаолиятда камситишга йўл қўймаслик, очиқлик, эркинлик каби тамойилларини назарда тутди.

³⁸ Pim WH de vos Principles of Travel Law II European Travel law. Chichester, John Willy Sons LTD. P.115
Шунингдек, Гаденская Л.Н. “Анализ действующего закона о туризме”, Туристические фирмы № 17, 1998, с. 16

³⁹ Парций Я. Е Научно- практический комментарий Закона «Об основах туристической Деятельности в РФ» М.: 1998.-С.13. '

⁴⁰ Қаранг: Mario F Karabadze. The New GATT: Implications for the Travel and Tourism Industry II European Travel law. 1997, P. 141.

Ўзбекистон Республикаси туристик хизмат кўрсатиш фаолиятига оид миллий қонунчилигининг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилишида намуна бўла олиши мумкин бўлган халқаро қонунчилик йўналишларидан яна бири Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлардир. Бундай ҳужжатлар орасида Европа Иттифоқининг 1982 йил 29 июндаги 82/470 ЕЕС сонли “Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида транспорт хизматлари ва туристик агентликлари хизматлари кўрсатишнинг эркинлиги тўғрисида”ги Директива; 1984 йил 10-сентябрдаги 84/450/ЕЕС-сонли реклама фаолиятига оид Директива, 1992 йил 13 июлдаги 92/421/ЕЕС сонли "ЕЕ доирасида туризмни ривожлантириш режалари ҳақидаги", 1995 йил 29 майдаги 1683/05 сонли "Визаларнинг унификацияланган шаклини белгилаш тўғрисидаги" ва бошқа директива ҳамда кўрсатмалар етакчи ўринни эгаллайди⁴¹.

Ривожланган мамлакатлар, хусусан Америка ва Ғароии Европа давлатларининг туризм соҳасидаги қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасининг туристик хизмат кўрсатилишига оид қонунчилигини жнддий равишда қайта кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигига, жумладан Фуқаролик кодексига банк, молия, суғурта ва бошқа хизмат турлари қаторида туристик хизматни ҳам киритиш, бу хизмат турининг фуқаролик-ҳуқуқии жиҳатлари, атрофлича ойдинлаштириш зарур деб ҳисоблайди. Чунки туристик хизмат кўрсатишнинг мураккаб таркибли эканлиги, уни амалга ошириш билан боглиқ шартномавий муносабатларда кўплаб хизмат турларининг мавжудлиги ва бир неча субъектлар қатнашишнинг ҳисобга олиниши, албатта, унинг Фуқаролик Кодексида алоҳида боо ёки моддалар тарзида ўз ўрнини топишини тақозо қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш мумкинки, фикримизча, бу соҳадаги илмий изланишлар кескин кенгайтирилиши, олим ва мутахассислар томонидан ушбу соҳанинг амалий муаммолари ҳал этилиши лозим.

Хуллас, мамлакатимизда туризмнинг янада ривожлантирилиши нафақат ижобий тарихий тажрибадан балки, яқин ва узоқ хорижий мамлакатларнинг

⁴¹ Қаранг: Аналитическая справка о международных нормах по вопросам туризма.// Туристические фирмы 1998.№16.

қонунчилик амалиётидги, ютуқли жихатларидан кенг ҳамда унумли фойдаланиш самарали натижа беради.

Бутун дунё туризм бозори потенциалининг ўсиш ананаси кузатилаётган бугуиги давримизда ривожланган мамлакатлар тажрибасидагидек туризм ва у билан боғлиқ иқтисодий тармоқларга янги технологиялар жорий этиш саёҳат билан боғлиқ соҳаларнинг ясуда тезлик билан ривожланишига олиб келади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоии молиявий соҳалардаги интеграциялашуви меҳмонхона, транспорт савдо инфратузилмаларининг ва бошқа туристик бозор ресурлари ривожланиши ва такомиллашувидан ташқари турмистлар хавфсизлигининг таъминланиши, атроф муҳитнинг химоя этилишига ҳам жуда катта таъсир қилади.

Бир сўз билан айтганда, туризм бутун дунёда тинчликнинг сақланишига самарали таъсир қиладиган асосий омиллардан бўлиб ҳам ҳисобланади, чунки бир халқ, миллатнинг бошқа миллат маданиятига, ҳаётига кизиқиши, уни ўрганиши эса ўзаро бир-бирини тушунишга, ҳурмат қилишга олиб келади.

II БОБ. ТУРИСТИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАР ВА УЛАР БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

1-§. Туристтик хизмат кўрсатиш шартномаси тушунчаси ва унинг асосий хусусиятлари

Туристтик хизмат кўрсатиш фаолияти энг аввало туризм хизмати кўрсатувчи субъектлар билан улар хизматидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ўртасида қолаверса туристик хизматнинг турли шакллари кўрсатувчи субъектларни турли минтақаларда жойлашган субъектларнинг ўзаро алоқалари туризм соҳасидаги ижтимоий муносабатлар орқали амалга оширилади.

Ушбу ижтимоий муносабатлар иқтисодий маънода муайян моддий, молиявий ресурсларни ҳаракатланиши, тақсимланиши, қайта тақсимланишини акс эттириб, ҳуқуқий жавобгарликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган улкан динамик жараёнда ифодаланади. Туристтик хизмат фаолияти юқорида кўрсатилган иккинчи маънода бу муносабат иштирокчилари томонидан ўзаро ҳуқуқлар, мажбуриятлар, жавобгарликлар мазмуни, ҳажми доирасининг олдиндан белгилаб олишнинг тақозо қилади. Чунки унингсиз бош-бошдоқликлар ва тартибсизликлар юз бериши, ушбу зизиат тури иштирокчилари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини поймол этиши мумкин. М.И. Брагинский тўғри таъкидлаганидек: “туристик хизмат фаолияти соҳасида шартнома алоқаларини ҳуқуқий тартибга солиш уларни тузиш ва ижро этиш тартибини, бундай мажбуриятлар иштирокчилари томонидан бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида жавобгарлик юклаш кабиларда ифодаланади”⁴².

Қайд этиб ўтилганидек, туристик хизмат фаолияти кўп қиррали ва кенг йўналишдаги шартнома алоқаларини ўз ичига олади. Аммо, шу билан бирга улар орасида айнан туризм хизмати кўрсатиш бизнесига, туристик хизматигагина хос бўлган шартномаларни ажратиб олиш имкони мавжуд. Улар қаторига туристик хизмат кўрсатиш, туризм маҳсулотларини сотишга оид бўлган турагентлар ва туроператорлар иштирокида тузиладиган, шунингдек туризм индустриясининг бошқа иштирокчилари ўртасида тузиладиган шартномаларни кўрсатиш мумкин. В.Ф. Попондопуланинг

⁴² Брагинский М.И. Витрянский В.В. Договорное право. М.: 1997-С.25

таъкидлашича: “ ушбу шартномалар хизмат кўрсатишга оид ва айти пайтда савдо шартномалари сифатида баҳолаш мумкин. Айнан бир битим савдо битими бўлиши (унинг ҳар икки томони тадбиркорлар бўлса) ёки савдога оид бўлмаган битим бўлиши (ҳар икки томони тадбиркор бўлмаган ҳолда), битимнинг бир томони (тадбиркорлик субъекти бўлган томони) учун савдо битими бўлгани ҳолда иккинчи томони учун (тадбиркор бўлмаган иштирокчи учун) савдога оид бўлмаган (маиший) битим бўлиб саналиши мумкин”⁴³

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда туристик хизмат кўрсатиш соҳасида маиший (тадбиркор бўлмаган шахслар ўртасидаги) битимлар тузилиши мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Чунки туризм фаолияти, энг—аввало фойда кўришга қаратилган тадбиркорлик фаолиятида иборат бўлганлиги сабабли, унинг ана шу хусусиятидан маҳрум бўлиши фуқаролик ҳуқуқий нуктаи-назардан туристик фаолият бўлмай қолишига олиб келади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисидаги" қонунига аниқлик киритилиб, туристик хизмат фаолияти тадбиркорлик фаолиятидан иборат эканлиги бўрттириб кўрсатилиши мумкин.

Туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъекти ҳуқуқий мақомини аниқ белгиланиши, бу соҳада тузиладиган шартнома иштирокчилари доирасини тўғри белгилашга кўмак беради.

Туристик хизмат фаолияти соҳасида юқорида қайд этилганидек, бир қатор хусусиятга эга бўлган шартномалар тузилади ва улар муайян белгиларга кўра таснифланиши, гуруҳларга ажратилиши мумкин. Бунда ушбу шартнома субъектлари ва бошқа ўзига хос хусусиятлар асос қилиб олинishi мумкин.

Туристик хизмат кўрсатиш шартномасининг предмети Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида махсус тарзда қайд этилмаган бўлсада, “Туризм тўғрисида”ги қонунинг 3-моддасида кўрсатилган туристик хизматлар, яъни утристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари, туристлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятлар унинг предмети бўлиб ҳисобланиши мумкин.

⁴³ Попондопула В.Ф. Правовое режим предпринимательства. Спб.: 1994.-с.151

Кўпчилик мамлакатларнинг қонунчишигида ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу шартнома предмети аниқ кўрсатиб қўйилган бўлиб, бу ҳол қонунчиликнинг мукамаллик даражасини ифода этади.

Жумладан, Россия Федерациясининг “Туристик фаолият асослари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида туризм хизматиға оид шартнома предмети туризм махсулотлари эканлиги кўрсатилган. Саёҳатга чиқиш юзасидан контрактга оид халқаро конвенцияда (1970 йилги) шартнома предмети сифатида "Саёҳат контракти" кўрсатилган. Европа Иттифокининг "Комплекс сайёҳлик ҳақидаги директивасида эса шартнома қайд этилмайди ва унинг ўрнига “истеъмолчи ва туристик хизмат фаолиятини ташкил этувчи ва чакана сотувчи ўртасидаги уларни ўзаро боғловчи шартнома кўрсатиб ўтилади”⁴⁴.

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунида "Тур" ва туристик хизмат" тушунчаларига расмий таъриф берилган бўлиб, ушбу тушунчалар аслида Россия Федерацияси қонунчилигида ва бошқа айрим мамлакатлар миллий қонунчилигида, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган "туризм махсулоти" тушунчаларини акс эттириш учун фойдаланилганлиги кўриниб турибди. Аммо, бизнинг назаримизда умумфуқаролик нуқтаи-назаридан қараганда хизмат ва махсулот бир-биридан жиддий фарқ қилади ва шу сабабли ҳар икки атама ҳам ҳуқуқий вазиятни тўлиқ акс эттирмайди, уни бир томонлама таърифлайди, холос. Аслини олганда туристик хизмат кўрсатиш фаолияти шартномаси предмети сифатида хизматлар ҳам (транспорт, меҳмонхона, ахборот, банк-молия ва бошқа хизматлар), шунингдек махсулотлар ҳам иштирок этиши мумкин.

Илмий ўқув адабиётларида туристик хизмат кўрсатиш шартномаларига нисбатан турлича қарашларни кузатиш мумкин. Масалан, А.Терехенконинг кўрсатишича: “Туристик махсулот унга хос бўлган "хизмат" хусусиятидан ташқари товар хусусиятига ҳам эга. Товарга хос хусусиятлар туризм фаолияти предметиға хос эканлиги менимча аниқроқ бўлса керак”⁴⁵. Унинг назарида бундай икки ёқламлик қонунчиликда ўз аксини топмаган. Шунга қарамасдан, туристик фирма турист олдида

⁴⁴ Қаранг: Внешнеэкономическая деятельность: Международное частник право и российская законодательство. М.:1997.-С.164

⁴⁵ Терещенко А. О некоторых недостатках в договорных отношениях туристических фирм с туристами. Туристические бизнес. №1 1999 й. С.30

туристик хизмат ёки туристик махсулот учун эмас, балки уларнинг ҳар иккаласини ўзида мужассамлаштирувчи хизмат мажмуи учун жавобгар бўлмоғи лозим. Муаллифнинг ушбу фикрларига қўшилган ҳолда қонун актларида (масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунида) туристик хизмат ва туристик товар алоҳида тарзда акс эттириб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

“Замонавий туризм иқтисоди” ўқув қўллапмасининг муаллифлари ҳам юқоридаги қарашлари қўллаб-қувватлайдилар⁴⁶. Уларнинг фикрича, туристик хизмат турист ва туристик фирма ўртасидаги муносабатлар тарзида юзага келади. Турист туристик фирма билан шартномавий алоқага киришар экан, охир-оқибатда ўзи учун керак бўлган хизматлар тўпламини яхлит ҳолда ўзига кўрсатилишини хоҳлайди ва унинг хусусий томонлари уни қизиқтирмайди.

Турист фирмани кўпчилик ҳолларда хизматнинг ўзини бевосита кўрсатиш билан шуғулланмайди ва уни бошқа шахслар томонидан муайян жойда, вақтда хизматлар мажмуи сифатли тарзда кўрсатилиш ҳуқуқини беради ва бу ҳуқуқнинг амалга оширилишини кафолатлайди⁴⁷.

Ушбу соҳада бошқача қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, масалан, М. И. Брагинский, А.Ю. Кабалкин ва бошқа айрим муаллифлар ўзи бошқачароқ тасаввур қиладилар ҳамда бошқача таърифлайдилар. Турист хизмат кўрсатишга оид шартнома мураккаб ҳуқуқий алоқалар тизимига эга эканлиги билан ажралиб туради. Аммо у моҳият жиҳатдан муайян турдаги хизматлар мажмуини истеъмолчига етказишга қаратилади. А.Ю. Кабалкиннинг кайд этишига қараганда, "Россия Федерацияси туристик фаолият асослари тўғрисидаги" қонунига мувофиқ туристик хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий шакли бўлиб, чакана олиш-сотиш шартномаси тан олинishi мумкин. Аммо бу нарса чакана олди-сотди шартномаси ва туристик фаолият моҳиятига зид келибгина қолмасдан, балки улар ўртасидаги нисбатни бузиб кўрсатади⁴⁸.

⁴⁶ Экономика современного туризма. СПб.: 1998. С-138.

⁴⁷ Қаранг: Парций Я.Е. Научно-практический комментарий Закона «Об основах туристической деятельности в РФ». М.: 1998. С.11

⁴⁸ Кабалкин А.Ю. договор возмездного оказания услуг. Российская юстиция. №3. 1998.г

Бундай коллизияни бартараф этиш учун туристик хизмат маҳсулотлари чакана олди-сотдисини фуқаролик қонунчилиги нуктаи назаридан кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 425-моддасига мувофиқ "Чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган башқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади".

Бунда шартнома предмети тадбиркорлик мақсадида ишлатилмаслик шarti билан сотиб олинadиган ашёлар (товар) ҳисобланади. Агар шартноманинг мазмунидан товар номи ва миқдори англашилса у ҳолда олди-сотди шартномаси предмети аниқланган бўлади. Сотувчи харидорга сотилаётган товарга мансуб бўлган ашёларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ҳужжатларни (техник паспорти, сифат сертификати, товарни келиб чиқиш сертификата ва бошқалар) топшириши лозим бўлади. Шартноманинг предмети унинг энг муҳим шартларидан бири бўлганлиги сабабли шарт аниқ белгилаб олинмагунига қадар шартнома тузилган деб ҳисобланиши кийин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунига кўра туристик маҳсулотларни чакана олиш-сотиш шартномасининг предмети бўлиб, туристларни жойлаштириш, овкатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари курсатиш борасидаги ҳамда уларнинг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматлар мажмуи саналади. Ушбу хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи туроператор томонидан шундай хизматларни бевосита кўрсатувчи ижрочилар ва бошқа туроператорлар билан тузиладиган шартнома асосида қўлга киритилади ҳамда туроператорлар ўртасидаги ушбу шартнома чакана олди-сотди шартномаси деб ҳисобланиши мумкин эмас, Чунки шартномада турист эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ашёлар (товарлар) ҳамда сўз юритилсада, аммо улар тадбиркорлик мақсадларини кўзлаб бир туроператор томонидан бошқасидан сотиб олинади. Шу сабабли ушбу шартноманинг чакана олди-сотди шартномаси деб баҳоланиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг юқорида эслатилган 425-моддаси моҳиятига зид қалган бўлар эди.

Туроператорлар ўртасида тузиладиган шартнома фаолиятини кўздан кечирсак туроператор ташувчи (транспорт хизмати кўрсатувчи) корхона ҳамда туристик хизматнинг бошқа ижрочилари билан бир қанча шартномалар тузади ва кейин ушбу шартнома асосида кўрсатилиши лозим бўлган хизматларни ўзаро бирлаштириб, яхлит ҳолдаги туристик хизматлар мажмуига айлантиради ва улардан яхлит ҳолда фойдаланиш ҳуқуқини туристларга ўтказиши (сотиши). Бунда турмахсулотнинг яратилиши лаҳзаси билан уни учинчи шахсларга топшириш лаҳзаси вақт жиҳатдан ўзаро ажралган ҳолда бўлади.

Туристлик хизмат кўрсатиш фаолиятига оид қонунчиликнинг юқорида қайд этилган конструкцияси мажбуриятларда шахсларнинг алмаштирилиши (цессия), ҳуқуқларнинг бир кредитордан бошқасига ўтказилиши сифатида талқин этилиши мумкин.

В.В. Витрянскийнинг фикрига кўра, мулкӣ ҳуқуқлар тегишли фуқаролик-ҳуқуқӣ шартномалар доирасида ҳаракат қилади. Олди-сотдига оид бўлган фуқаролик кодекси қоидалари мулкӣ ҳуқуқларни интеллектуал меҳнат натижаларини, фирма номи, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиларини сотиш билан боғлиқ бўлган шартномалар тузилишида ҳам тўлиқ тадбиқ этилади⁴⁹ В.В Витрянский ҳам И.Б Новицкий сингари Цессия шартномасининг мустақил эканлигини рад этади. Унга кўра "Цезент томонидан цессионерга муайян битим ёки шартнома асосида муайян ҳуқуқнинг топширилиши ҳақида сўз юритилади, яъни бунда тегишли битим (олди-сотди шартномаси ёки бошқа шартнома) бирламчи саналади ва томонларнинг мақсади умуман ҳуқуқнинг ўтказиш тўғрисида эмас, балки аниқ мазмунга эга бўлган шартномага асосланувчи ҳуқуқни ўтказилиши ҳақида бўлади"⁵⁰ Бу ўринда ушбу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин. Чунки цессия мақсад бўлмасдан, балки восита вазифасини бажаради, холос.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонуни мазмунига кўра турмахсулотларни чакана олиш сотиш шартномаси куйидагилар билан ҳуқуқӣ тартибга солиниши лозим:

⁴⁹ Витрянский В. Купля-продажа. Комментарий ГК РФ. Хозяйство и право. №1, 1996.-С3-25.

⁵⁰ Брагинский М.И., Витрянский В. Договорное право. М.: 1997, С-373.

1. Чакана олди-сотди шартномасига оид бўлган қоидалар (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 425-436-моддалари), махсус нормалар билан ("Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг 12-моддаси) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни нормалари билан;

2. Карздор (ижро қилувчи) билан эски кредитор (туроператор) ҳамда янги кредитор (турист) муносабатларига оид бўлган қисми мажбурият ҳуқуқига тааллуқли қоидалари (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 313-323 моддалари) билан.

А.П. Ивановнинг таърифлашига кўра: "Туристик хизмат кўрсатишга оид шартнома бу икки шахс ўртасидаги келишувдан иборат ва унга мувофиқ бир томон (Саёҳат ташкилотчиси) ўзаро келишилган шартларга мувофиқ бевосита ўз воситалари билан ёки учинчи шахс воситалари орқали хорижий саёҳатни амалга оширишга имкон берувчи хизматлар мажмуини кўрсатиши лозим бўлади. Иккинчи томон (сайёҳ) эса хизмат ҳақларини тўлаш мажбуриятини зиммасига олади"⁵¹.

А.П. Ивановнинг фикрича, юқоридаги таърифдан туристик хизмат кўрсатишга оид шартноманинг қуйидаги асосий белгиларини кузатиш мумкин;

1) шартнома субъектлари сифатида ихтисослашган юридик шахс туристик саёҳат ташкилотчиси ҳамда миқдори- жисмоний шахс (сайёҳ) иштирок этади;

2) тур ташкилотчиси ва фуқаро ўртасида саёҳат туфайли ўзаро муносабатлар юзага келади;

3) муносабат мазмуни туристик хизмат кўрсатилишидан келиб чиқувчи мажбуриятлардан ташкил топади;

4) бу муносабатлар мажбурият адо этилиши учун учинчи шахслар кенг жалб этилишини тақозо этади.

Туристик хизмат кўрсатиш шартномасининг энг муҳим хусусиятларидан яна бири сифатида шуни қайд этиш мумкинки, туристик шартноманинг ким билан тузганлигидан қатъий назар бевосита хизмат кўрсатаётган тарафдан хизмат мукаммал бўлишини, тўла ҳолда, сифатли равишда кўрсатилишини талаб қилиши мумкин.

⁵¹ Иванов А.П. Правовое регулирование международных туристских отношений (диссертационное исследование). М.:1973. –С.52

"Туризм тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси). Шу билан бирга қонунчилик нормасида туроператор томонидан туристга хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқининг сотилиши билан айтилган бир пайтда мажбуриятлар ҳам ўтказилишини назарда тутди. Бу мажбуриятларни (шартнома шартларига амал қилиш) балки ашёвий шаклда бўлмаган муайян ҳаракат ёки фаолият эканлигидир⁵².

Юқоридаги мулоҳазалардан туристик хизмат шартномасининг предмети ҳуқуқлар эканлигига муайян шубҳалар юзага келади. Яъни унинг предмети-ҳуқуқлар эмас, балки кўрсатиладиган хизматни акс эттирувчи ҳаракат ёки фаолият деган ҳулосага келиш мумкин.

Ушбу нуқтаи назардан олганда Я.Е. Парцийнинг қарашлари эътиборга лойиқ. Жумладан, унинг таъкидлашига қараганда, "Турмахсулот ҳуқуқдан иборат бўлиши мумкин эмас. Ушбу тушунчанинг пайдо бўлишига турнинг реализация қилиниши (сотилиши) вақти билан унинг хусусида шартнома тузилиши ва ҳақ' тўланиши вақти мос келмаслиги, бу ҳаракатлар турли даврларда содир этилиши ўртасидаги фарқнинг мавжуд бўлиши бошқа қўпгина фуқаролик- ҳуқуқий шартномалар учун ҳам ҳосидир.

Бундай вазият чипталарни олдиндан харид қилиш, муайян буюмларга олдиндан буюртма бериш каби шартномаларга ҳам ҳосидир. Аммо, бу билан хизмат ҳуқуққа айланиб қолмайди. Бу ҳол туристик хизмат шартномаларига тўла тааллуқлидир⁵³.

А.П.Иванов туристик хизмат шартномасининг фуқаролик – ҳуқуқий белгиларини таҳлил қилар экан, уларни қуйидагилардан иборат деб кўрсатади:

1. Туристтик хизмат шартномаси хизмат кўрсатишга оид шартномалар қаторига қиради. Тур ташкилотчиси томонидан туристга муайян туристик хизматлар мажмуини кўрсатиши-шартноманинг асосий хусусияти саналади;

2. Туристтик хизмат кўрсатиш шартномаси консенсуал шартномалар жумласига қиради. Чунки хизмат кўрсатишдан аввал унинг шартлари ҳақида келишиб олинади ва туристнинг қўлида ваучер(йулланма)нинг бўлиши тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради;

⁵²Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи. 1998.-Б.111.

⁵³ Парций Я.Е. Научно практический комментарий Закона "Об основах туристической деятельности в РФ" М.: 1998. С.11

3. Туристтик хизмат кўрсатиш шартномаси икки томонлама шартномалар сирасига киради. Чунки унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бирини тақазо этади ҳамда бир томоннинг ҳуқуқлари иккинчи томонинг мажбуриятларига тамомила мос келади;

4. Туристтик хизмат кўрсатиш шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартномалардан бўлиб, ундан ҳар иккала иштирокчи ўзаро манфаатдор бўлади⁵⁴

А.П. Ивановнинг юқоридаги фикрлари ўтган, XX асрнинг 70 йилларидаги ҳолатни акс эттиришини ҳисобга олсак, бугунги кунга келиб ушбу шартнома бир қатор янги хусусиятларга эга бўлганлигини кузатиш мумкин. Туризм соҳасида халқаро ҳуқуқ ва кўпчилик давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимларида бугунги кунда “ПЭКИДЖ –тур” (хизматлар мажмуи) ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра "туристик саёҳат ёки хизматлар мажмуи ("Туризм тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси) тушунчаси юзага келди. Бу эса туризмга оид шартномаларнинг аввал маълум бўлмаган яна бир энг муҳим белгисини ташкил этади. Аммо, халқаро қонунчиликда ҳам, давлатларнинг миллий қонунчилик тизимларида ҳам ушбу хизмат мажмуи таркибига кириши лозим бўлган хизмат турларининг тугал руйхати ҳам, унга киритилиши лозим бўлган хизматларнинг энг кам турлари ҳам кўрсатиб қўйилган эмас. Европа Иттифоқининг 1990 йил 13 июндаги 90F314 сонли "Саёҳатлар мажмуи, турлар мажмуи, хордик чиқариш мажмуилари тўғрисида" деб номланувчи Директивасида саёҳат, тур, хордик мажмуилари ўзаро фарқланади⁵⁵.

Бу масалада ҳар қалай умумий тарзда бўлсада муайян халқаро ҳуқуқий кўрсатмалар мавжудлигини эътироф этиш лозим.

Жумладан, юқорида эслатилган Европа Иттифоқининг 90F314 сонли Директивасида “ПЭКИДЖ –тур” қуйидаги хизматлардан камида икkitасини назарда тутиш лозимлиги белгиланган: а) ташқи транспорт хизмати; б) меҳмонхона хизмати-жойлаштириш; в) бошқа турдаги хизматлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни 11-моддасига мувофиқ туристик хизматлар мажмуи ўз ичига транспорт хизмати кўрсатишни, яшаш,

⁵⁴Иванов А.П. Иванов А.П. Правовое регулирование международных туристских отношений (диссертационное исследование). М.:1973.С.52

⁵⁵ Қаранг: Concil Directive 90/314 EC//European Travel law...I 610.

овқатланиш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этишни ва бошқа хизмат турларини олади. Бунда кўпинча хизматлар ҳажми асосий хизмат салмоғидан ошиб кетмаслиги лозим.

Хуллас, туристик хизмат шартномасининг фуқаролик ҳуқуқий хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш унинг шартномаларга хос бўлган барча умумий хусусиятларга эга эканлигини, шу билан бирга у кўпинча ҳуқуқий жиҳатдан бир неча мамлакат субъектлари иштирокини тақозо этиши ҳамда комплекс характерда эканлигига кўра бир қатор ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир деган хулосага келиш имконини беради.

2 §. Туристтик хизмат кўрсатиш шартнома муносабатларида тарафларнинг фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарлиги.

Фуқаролик ҳуқуқий шартнома муносабатларида томонлар мажбуриятларининг тулик ва лозим даражада бажарилишини таъминлаш, шартнома тарафларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўз мажбуриятларини сўзсиз бажаришга ундаш ва рағбатлантириш муҳим ҳуқуқий механизмлардан бўлиб уларнинг жавобгарлиги саналади.

Юридик адабиётларда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик турлича талқин қилинади. Масалан, профессор И.Б. Зокировнинг таъкидлашича: "Мажбурият юзасидан қарздор шахс уни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, мажбурият юзасидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланиб, бу ҳол мажбуриятни бузиш деб баҳоланади"⁵⁶.

О.С. Иофеннинг таърифлашига қараганда, «Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, бу ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун қўлланилган санкциядан иборат бўлиб, унинг натижасида ҳуқуқбузар шахс субъектив ҳуқуқларидан маҳрум бўлиши ёки унга қўшимча фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятлар юклатилишдан иборат ноқулай оқибатларга дучор бўлади».⁵⁷

⁵⁶ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи I қисм. Т.: Адолат, 1996, Б. 242

⁵⁷ Иофен О.С. Обязательственное право. М.: 1975. С. 97.

Академик Ҳ.Р. Раҳмонқулов фикрига қараганда, “етказилган зарарни тўлаш-фуқаролик ҳуқуқига хос умумий чорадан иборат. Умумий қоидага мувофиқ, мажбурият ҳар қандай даражада бузилган тақтирда етказилган зарарни тўлаш ҳақида бурч вужудга келади”⁵⁸.

Фуқаролик қонунчилигида мулкӣ жавобгарлик юз бериши учун мавжуд бўлиши талаб этиладиган шартлар доираси назарда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига кўра мулкӣ жавобгарлик юз бериши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлмоғи лозим:

а) зарар юз берганлиги; б) шартнома шартларини бузган томон ҳуқуқ-атворининг ҳуқуққа ҳилофлиги; в) мажбурият бажарилмаслиги билан юз берган зарар узаро сабабий боғланишда эканлиги; г) қарздорниинг айби мавжудлиги.

Фуқаролик ҳуқуқӣ жавобгарлик юз беришининг ушбу умумий-асослари туристик хизмат кўрсатиш шартномаларига ҳам тўла тааллуқдир.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси "Туризм тўғрисида"ги қонунининг 17-моддасига кўра туристик фирма (туроператор ва турагент) айби мавжуд, мавжуд эмаслигидан қатъий назар, турист олдида жавобгар саналади ва туристик сафар давомида унга етказилган зарар ўрнини қоплаши зарур. Фақат қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллардагина туристик фаолият субъекти жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Бундай ҳоллар қаторига туроператор ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаслигин енгиб бўлмас қучлар (ФКнинг 349-моддаси) сабаб бўлгани ҳоллари киради. Туристик фаолияти субъекти билан шартнома алоқасида бўлган бошқа ҳамкорлар (ташувчи, меҳмонхона) томонидан мажбуриятнинг бузилиши, керакли хизматни туризм бозорида мавжуд эмаслиги, турфирмада зарур маблағларнинг йўқлиги қабӣ ҳолатлар енгиб бўлмас қучлар қаторига кирмайди ҳамда туроператор (турагент) фуқаролик ҳуқуқӣ жавобгарликдан озод қилинишига сабаб бўлмайди.

Шартнома томони ҳатти-ҳаракати қонунга ҳилофлиги деганда кредитор субъектив ҳуқуқларининг асоссиз тарзда бузилишига олиб келган номаъқул ҳуқуқ-

⁵⁸ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавфсиф ва шарҳлар. Т.: “иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. 1997. Б 443.

атвори кўзда тутилади. Масалан, туроператор ходими айби билан туристни ўз вақтида сафарга жўнаб кетмаслиги ёки турист томонидан божхона қонунчилиги нормаларини бузилиши оқибатида (масалан, контрабандага йўл қўйилиши, валюта қонунчилигини бузиш ва бошқалар) уни чет элга чиқарилмаслиги кабилар ана шундай ҳолатлардан бўлиб ҳисобланиши мумкин. Қарздорга жавобгарликни юклаш шартларидан яна бири ҳукукбузарлик содир этиш туфайли етказилган зарарни мавжудлиги саналади⁵⁹.

Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддаси, 2-қисмига кўра: "Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаражатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берган фойда) тушунилади.

Жавобгарлибк юклашни сабаблардан бири сифатида сабабий боғланиш мавжуд бўлиши шартлиги Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси мазмунидан келиб чиқади. Шу туфайли мажбурият бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли юз берган зараргина копланеди. Юқоридаги асослар объектив ҳолатлар бўлиб саналади. Айбнинг мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб зса субъектив асослар қаторига киради. Чунки бу асосни мавжуд бўлиш қарздорнинг субъектив ҳуққ атворига бевосита боғлиқдир.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда мажбуриятни бузган томоннинг айбдорлик презумцияси тамойили амал килади. Шу туфайли Фуқаролик кодексининг 333-моддасида "айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган томонидан исботланади" деб кўрсатилган. Шунингдек, ушбу моддада қарздор айбсиз деб ҳисобланиши учун мажбуриятни лозим даражада бажаришга қаратилган барча чораларни кўрганлигини исботлаб бериши лозимлиги таъкидланган.

Туристик хизмат кўрсатиш шартномаларида мажбуриятнинг бажарилиши кўпинча учинчи шахларга юклатилади ва бу қарздор мажбуриятлари хусусиятини ўзгартириб юборади. Бунда туроператор мажбуриятни бевосита ижрочисидан бундай

⁵⁹ Иванов А.П. правовое регулирование международных туристических отношений (диссертационное исследование). М.: 1973 С. 72.

ижрони яхши бажара оладиган ижрочини топа билиш, зарар юз берганида эса унн қоплаш лаёқатига эга бўлган томонга айланади.

Туроператор томонидан (туристик фаолият субъекти) шартнома мажбуриятларининг учинчи шахсга юклатилиши унинг турист олдидаги мажбуриятларидан соқит қилмайди ва у жавобгар бўлиб қолаверади.

Туристик шартнома унинг иштирокчилари томонидан бажарилмаганлиги шунингдек лозим даражада бажарилмаганида ҳам фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик юз беришига олиб келаверади.

Профессор И. Б Зокировнинг кўрсатишича, "Мажбуриятларни тегишли даражада бажариш принципи дейилганида, мажбуриятлар қўйилган талабларга тўллик жавоб берадиган даражада, бекаму-қўст ва белгиланган муддатда бажарилиши назарда тутилади. Ҳуқуқий муносабатларда катнашувчи шахслар уз мажбуриятларини лозим даражада бажарилишида баб-баравар манфаатдор бўлишлари, бир-бирларига кўмаклашишлари фарз қилинади⁶⁰.

Туристик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи фирмалар амалиётини ва талабномалар мазмунини ўрганиш натижасида бу соҳада шартномаларнинг лозим даражада бажарилмаслиги сифатида қуйидагиларнинг кайд этилиши ҳақида хулоса қилинади:

- шартномага кўра сифатсиз туристик хизмат кўрсатиш;
- шартнома бўйича мажбуриятлар ижросини кечиктириш;
- шартномада келишилган шартлардан жиддий равишда чекланган ҳолда уни бажариш.

Шартноманинг тўлиқ бажарилмаслиги холлари томонларнинг ўзаро келишувда назарда тутилган ва туристга берилган ҳужжатда (ваучерда, йўлланмада) назарда тутилган хизматларнинг ҳаммасининг кўрсатилмаслиги шаклида намоён бўлади.

Туристик хизмат кўрсатиш шартномасида туроператор жавобгар бўладиган холларнинг батафсил санаб кўрсатилиши, жавобгарлик пул билан ёки бошқа тарзда қопланиши лозимлиги кайд этилиши келгусида юз бериш мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, низо юз берганида эса уни тез хал этиш имконини беради. Сафар

⁶⁰ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи I қисм. Т.: Адолат, 1996, Б. 203.

давомида юз бериш эҳтимоли бўлган барча экстремал вазиятлар (масалан, борилаётган давлатнинг қабул қилмаслиги фавқулодда ҳодиса юз бериши (ўғирлик, самолётга кеч қолиш, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши ва бошқалар), турист томонидан ўзга мамлакатда бўлиш қоидаларининг бузилиши кабилар шартнома тузилиши пайтида аниқ келишиб олинган бўлиши лозим. Масалан, баъзан авиаташувчилар ҳомиладор аёлни самолётда уча олиши ҳақидаги гувоҳномаси бўлмаса самолётга чиқармайди. Башарти туристик фирма туристни бу ҳақда хабардор қилмаса у ҳолда бундай вазият туфайли юз берган зарарни туристга тўла ҳажмда қоплаб бериши лозим булади. Агар қабул қилувчи туристик фирма айби билан туристга тегишли хизмат тури кўрсатилмаса, бундай ҳолда фирма туристга ушбу хизмат харажати ўрнини қоплаб бериши талаб этилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам турист учун ноқулайликларга сабаб бўлувчи тўскинликлар юзага келмаслиги лозим.

Шартномада назарда тутилган хизмат турлари билан амалда кўрсатилган хизматлар ўртасида фарқ мавжудлиги ва барча хизмат турларининг кўрсатилмаганлиги ҳар доим ҳам мажбурият тўлиқ бажарилмаганлигини англатади ҳамда туристик фирманинг жавобгарлигига сабаб булади. Туристтик фирма юридик шахс сифатида⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 48-моддасига кўра ўзига тегишли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Туристтик фирма жавобгарлиги, энг аввало туристга етказилган зарарни қопланишидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг юқорида таҳлил қилинган 14-моддасига кўра турист томонидан кўрилган зарар деганда мажбурият бажарилмаслиги оқибатида у қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, мол-мулкининг нобуд бўлиши (бевосита зарар), шунингдек мажбурият бажарилгани тақдирда у олиши мумкин бўлган, аммо шартнома бузилиши натижасида ололмай қолган даромад (фойда бой берилган фойда) тушунилмоғи керак.

Тегишли ҳолларда туристик хизмат кўрсатиш шартномаси бажарилмаганлиги ёки тўлиқ, ёхуд лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган маънавий зарар ҳам туристик фирма томонидан қоплаб берилиши лозим булади.

⁶¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги қонунига кўра туристик фаолият субъекти фақат юридик шахслар, корхона, муассаса, ташкилот бўлишлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 100-моддасининг 8-қисмида белгиланишича, фуқаро ўзига етказилган маънавий зарар ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда зарар етказувчи томонидан қопланади. Фуқаролик кодексининг 1022-моддасида маънавий зарарни қоплаш усуллари кўрсатилган бўлиб, унда айтилишича:

"Маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товланган ҳолатларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик эътиборга олиниши лозим.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳуқуқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан қатъи назар қопланади".

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 7-сонли қарорида маънавий зарар тушунчаси, унинг миқдорини белгилаш тамойиллари, жавобгарликни юклаш масалалари батафсил тушунтирилиб, судларга тегишли йул-йўриқлар берилган⁶².

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 237-моддасида умумий қоиди тариқасида белгилаб қўйилган мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва унинг шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги тамойилдан фарқли равишда туристик хизмат кўрсатиш шартномасида олдиндан назарда тутилган ҳолларда турист ҳам, туристик фирма ҳам шартномани бир томонлама тарзда ўзгартиришга ҳақли бўлади. Бундай ҳолда амалда қилинган харажатлар қоплаб берилиши лозим бўлади. Башарти шартномада унинг бир томонлама тарзда бекор қилиниши ҳақида кўрсатилмаган бўлса, бундай ҳолда

⁶² Қаранг: қонун номи билан Т.:2000 №2-3.-Б.25

турфирма туристга етказилган барча зарар ўрнини коплаб бериши, турист эса турфирма килгаи харажатларни коплаши талаб килинади. Амалдаги "Туризм тўғрисида"га қонунда шартнома мажбуриятларини бузишдан келиб чиқадиган талабларни билдиришга оид махсус тартиб ва муддатлар белгилаб қўйилмаган. Шу туфайли бизнинг назаримизда бундай низолар, талаб билдириш ҳамда даъво қўзғаш масалалари умумфуқаролик тартибида ҳал этилмоғи лозим. Турист ва туристик фирма ўртасидаги хусусий (тадбиркор бўлмаган) жисмоний шахс билан юридик шахс ўртасидаги алоқа бўлгани туфайли бунда келиб чиқувчи низолар ҳамда бузилган фуқаролик ҳуқуқларининг ҳал этилиши умумий юрисдиксия судлари, яъни фуқаролик ишлари бўйича судлар судловига тааллуқли бўлиб, фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ тартибда қўрилиши ҳал этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 19-моддасида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчига берилган ҳуқуқлар ҳамда ижрочи зиммасига юклатилган барча мажбуриятлар тўғрисида талаб билдирилиши, унинг қўриб чиқилиш муддати, тартиби ҳақида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Мазкур қонуннинг 29-моддасида: "Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек, товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини қўзлаб қўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божига тўлашдан озод қилинадилар", - деб кўрсатиб қўйилган.

Туризм соҳасида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар масаласида ҳуқуқий жавобгарликлар тушунчасининг аниқ-равшан ишлаб чиқилиши, бу муносабатда қатнашувчи шахслардан ҳар бирининг жавобгарлик масаласида тутган

мавқеининг белгилаб қўйилиши ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда, фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Туризмни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатлар ҳуқуқининг барча соҳаларига хос бўлган ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Биз юқорида туристик хизматлар бозорида турист ҳамда туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъектлари ўртасида ўзаро шартномалар тузилиши, уларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли пайдо бўладиган шартномавий жавобгарлик ҳақида муайян даражада фикр юритишга ҳаракат қилдик. Аммо, фикримизча ушбу муносабат иштирокчиларининг ўзаро ҳамда давлат-жамиyat олдидаги ҳуқуқий жавобгарлиги камрови анча кенг, ўз ичига умуман фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик масалаларидан ташқари маъмурий, молиявий, иқтисодий, жиноий-ҳуқуқий жавобгарликларни ҳам қамраб оладн. Мамлакатимизда туризм хизмати фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари ҳозирча асосли тарзда илмий-назарий таҳлил этилмаганлиги туфайли уларни имкон даражасида кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аввало фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг туризм хизмати фаолиятига алоқадор бўлган умумий жиҳатлари тўғрисида қисқача тўхталсак Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қоидаларига кўра жавобгарлик шартномалар тузилиши натижасида ҳам, деликт, яъни ўзга шахсларга зарар етказилиши оқибатида ҳам юз бериши мумкинлиги қайд этилмоғи лозим.

Жавобгарликка оид фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда туризм хизмати соҳасида ўзаро алоқага киришган тарафларнинг ҳар бири: туристик фирма ҳам, турист ҳам, шунингдек ушбу хизмат тури кўрсатилиши муносабати билан алоқа ўрнатган бошқа шахслар (мехмонхона, транспорт, хизмати кўрсатувчи ва бошқалар) кредитор (ҳуқуққа эга тараф) ёхуд қарздор (мажбурият эгаси) сифатида қатнашишлари мумкин. Жавобгарлик субъектлари сифатида тулик муомала лаёқатига эга бўлган (вояга етган, ақли расо) шахслар жалб этилиши ҳақидаги умумий талаблар туризм билан боғлиқ бўлган жавобгарлик муносабатларига ҳам истисносиз тадбиқ этилади.

Шунингдек жавобгарлик юз беришиинг асосий шарти сифатида айбнинг мавжуд бўлиши тақозо этилиши, айбдор шахс хатти-ҳаракатининг ҳуқуққа ҳилофлиги,

зарарлилиги ҳолати мавжуд бўлиши талаб қилинади. Бунда айб деганда жавобгар шахснинг ўз қилмишига руҳий муносабати назарда тутилади ва у қасд ёки эҳтиётсизлик тарзида иомоён бўлиши мумкин. Шахс айбининг шакли жавобгарликка тортиш пайтида аҳамиятга эга бўлмасда, бироқ жавобгарлик юклаш пайтида (жавобгарлик ҳажмини белгилашда) катта аҳамият касб этади, чунончи қасддан қилинган ҳаракат оғирроқ жавобгарликка сабаб бўлади. Эҳтиётсизлик туфайли мажбурият бажарилмаганида аса айбдор нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик камайтирилиши мумкин бўлади. Айбдор хатти-ҳаракатининг ҳуқуққа ҳилоф бўлиши лозимлиги, яъни унинг натижасида муайян қонунлар, қонун ости ҳужжатлари қоидалари бузилган бўлиши ҳам жавобгарлик шартларидан биридир. Томонлар ўтасидаги шартнома шартлари (аниқ бандлари)нинг бузилиши ҳам ҳуқуққа ҳилоф хатти-ҳаракат сифатида баҳоланмоғи лозим. Шартнома қонун ёки қонун ости ҳужжати саналмасда, аммо унинг шартларининг бажарилиши шарт эканлиги тегишли қонунларда (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддаси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида"га қонунининг 14-, 24-моддалари, "Туризм тўғрисида"ги қонунининг 12-моддаси) белгилаб қўйилади ҳамда шу туфайли шартнома талабларини бузилиши ҳам ушбу қонун талабларининг бузилиши ҳоллари сифатида малакаланмоғи лозим бўлади. Қонун ҳужжатларида шартнома шартларининг бузилиши айнан қонун бузилиш эканлиги бевосита белгилаб қўйилмаган бўлсада ва ҳамда ушбу соҳада назарий ишланмаларда ушбу масала нисбатан олганда эътибордан четда қолиб кетаётган бўлсада, умумий юрисдикция судларнинг шунингдек хўжалик судларининг ҳам мамлакатимизда таркиб топган амалиётига кўра шартнома шартлари бузилганлиги фактининг ўзи шахсни фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун етарли бўлишини ва қандайдир бошқа қонун ҳужжатларини бузилганлигини исботлаш лозим бўлмаслигини кўрсатади. Яъни суд амалиёти шартномашшг бузилиш ҳолларини қонун бузилиш ҳолларига тенглаштиради.

Зарар етказилиши пайтда қонун талабларини ҳам шартнома талабларини ҳам бузилмаганлиги (зарар етказиш пайтида ҳаракатнинг қонунийлиги) одатда жавобгарлик ҳолатини истисно қилалди. Ўзаро тузилган шартномада кўзда тутилган

форс-мажор ҳолатлар оқибатида, охирги зарурат туфайли ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга кўра зарар етказилиши айбдор шахсни жавобгоарликдан озод қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Хўжалик шартномалари амалиётида шартномани асл ҳолида (натура тарзда, реал) бажармаган томонни шундай ҳаракат учун жавобгарликдан озод қилиш масаласи юзага келади ва бунда жавобгарлик масаласи аниқ вазиятга қараб турлича ҳал этилиши мумкин. Академик Х.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича кўра: «тадбиркорлик фаолияти учун мажбуриятнинг қандай усулда бажарилишидан қатъий назар, асосий мақсад фойда олишдан иборат эканлиги ҳисобга олиниб, мажбурият лозим даражада бажарилмаганлиги учун неустойка тўланган, зарар қопланган бўлса, қарздор мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод бўлиши мумкин»⁶³.

Ушбу қарашнинг, айниқса туризм фаолияти билан боғлиқ жавобгарлик муносабатлари учун аҳамияти катта бўлиб, бу соҳада мажбуриятни реал бажариш имкониятини қўлдан бой берилиши айрим ҳолларда ана шундай имкониятнинг бутунлай йўқолишига ёки унинг рўёбга чиқиши қийинлашувига сабаб бўлади ва неустойка тўланиши, зарар ўрнининг қопланиши мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан қарздорни озод қилиши низоларни давом этишига чек қўяди. Жавобгарлик юклашнинг яна бир муҳим шарт сифатида зарарнинг мавжудлиги ҳамда унинг юз бериши билан қарздор айбли ҳатти ҳаракати ўртасида сабабий боғлиқлик мавжуд бўлиши лозимлиги тақозо этилади. Зарар тушунчаси ва таркиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-молласи 2-қисмида баён этилган. Унда зарар: ҳақиқий зарардан ва бой берилган фойдадан иборат бўлиши кўрсатиб ўтилади. Туризм хизмати соҳасидаги муносабатларда ҳақиқий зарар масалан, туристнинг мол-мулкига, соҳлиғи ёки ҳаётига етказилган аниқ зарарни, шу туфайли юз берган моддий йўқотишларни, мулкӣ харажатларни ўз ичига олса, олинмай қолган фойда (даромад) тарзидаги зарар йўқотилган вақт, йўқотилган имконият туфайли кўзланган, тахмин қилинган бойлик (даромад, фойда)нинг қўлга киритилмаслиги назарда тутилади. Масалан, тижорат тури белгиланганидан кечиктирилганлиги учун

⁶³ Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавфсиф ва шарҳлар. Т.: “иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. 1997. 1-жилд 451. б

нарх-навонинг кўтарилиши, бозор конъюнктурасининг ноқулай томонга ўзгариши ва бошқалар.

Юридик адабиётларда қарздор томонидан етказилган маънавий зарарни «ҳақиқий зарар» ёхуд "бой берилган фойда" тарзидаги зарар жумласига киритиш лозимлиги масаласида турлича қарашларга дуч келиш мумкин. Уни айримлар ҳақиқий зарар десалар, бошқалар бой берилган фойда деб ҳисоблайдилар.

Фикримизча, маънавий зарарнинг ҳақиқий зарар жумласига киритилиши тўғрироқ бўлса керак. Чунки-маънавий зарар деганда утган замонда кредиторга етказилган жисмоний ёки руҳий азоб тушунилади яъни, бу ерда келажакда келгуси замоида юз бериши кутилаётган оқибат эмас келгусида даромад (фойда)нинг олинмасдан қоллиши эмас) балки содир этилган юридик факт ҳақида сўз юритилади ва шу сабабли маънавий зарар олинмасдан фойда (даромад) сифатида талқин қилиниши мантиққа ҳилоф бўлиб кўринади.

Академик Х.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича: «маънавий зарар буйича жавобгарлик шартномага асосланмаган, яъни ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ деликт тарзга эга бўлган жавобгарликдан иборат»⁶⁴. Тадқиқотчи ушбу фикрни тўғри деб ҳисоблайди. Чунки суд амалиёти шартномалар бажарилмаслиги туфайли қарздор маънавий жавобгарликка тортилишининг кўплаб ҳолларига оид аниқ мисолларга эга⁶⁵.

Шу билан бирга, маънавий зарар етказилишининг фақат деликт мажбуриятларгина боғлаб қўйилиши, жавобгарликнинг бу тури таъсир доирасининг сунъий равишда торайтирилишига сабаб бўлар эди.

Туризм хизматида оид муносабатларда ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа барча шакллари вужудга келиши мумкин. Бунда туристик фаолият юритувчи юридик шахсининг ҳам, туристнинг ҳам ва уларга кўмаклашишга қаратилган фаолиятни олиб боровчи бошқа шахсларнинг ҳам ҳуқуқий жавобгар бўлишлари мумкинлиги ҳақида сўз кетади.

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи. 1998. 602. б

⁶⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Суди Пленуми ва раёсати Қарорлари тўплами. 1992-2001. Т.: Адолат. 2001.

Профессор Б.И.Ибратовнинг таъкидлашига кўра: «Тадбиркорлик фаолияти қонун доирасида олиб борилиши лозим. Агар тадбиркорлик қонунга мувофиқ бўлмаса, бунинг учун тегишли тартибда жавобгарлик белгиланади»⁶⁶.

Ушбу фикрларга нафақат тадбиркорлик, балки тадбиркорлар билан муносабатга киришаётган истемолчиларнинг, бошқа шахсларнинг ҳам хатти-ҳаракатлари ҳам қонун доирасида бўлиши лозим, акс-ҳолда жавобгарлик юз беради деб қўшимча қилиш мумкин. Аммо, мазкур битирув малакавий иши фақат туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъектлари бўлган юридик шахсларнинг иктисодий жавобгарликлари, уларга қўлланиладиган молиявий жазо чоралари, уларнинг мансабдор шахсларининг маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликлари ҳақидагина сўз юритилиши олдиндан кайд этиб ўтилмоғи лозим.

Аввало, туристик фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари бўлган юридик шахслар жавобгарлиги ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу жавобгарлик кўпчилик ҳолларда мулкӣ, молиявий хусусиятга эга эканлигини, қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳоллардагина бошқа кўринишларда бўлиши мумкинлигини эътироф этиб ўтишимиз керак. Туристӣк фаолият субъектининг мулкӣ, молиявий ёки бошқа тарздаги жавобгарлиги кўпчилик ҳолларда муайян ҳуқуқ соҳасига оид қонун талабларининг бузилиши (таъқиқни бузилиши ёки муайян тарзда ҳаракат қилишга оид қонун талабининг бажарилмаслиги) билан боғлиқ бўлади ва бундай ҳуқуқбузарлик турли ҳуқуқ соҳаларига тааллуқли бўлиши мумкин. Қундалик ҳаётда туристик фаолият субъектлари томонидан солиқ, божхона, банк, экология, санитария, сертификациялаш ва метрология соҳасидаги ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид қонунчилик қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар кўпроқ учраб туради. Шулардан айримларини кўриб, таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик шахслар жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддасида кўзда тутилган. Ушбу моддада айтилишича юридик шахс солиқ органидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товласа, у ҳолда рўйхатдан ўтмасдан амалга оширилган фаолият даври ўттиз кунгача бўлганида энг кам иш ҳаққининг эллик баравари, олинган даромаднинг 10 фоизидан,

⁶⁶ Б.И. Ибратов. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. Т.: Молия. 2001.Б. 101.

бу ҳол ўқитиш кундан ортиқ давом этса юз баробари, аммо олинган фойда (даромад)нинг эллик фоизидан кам бўлмаган ҳажмда молиявий жазога тортилади.

Даромад (фойда) солиқдан яширилгани тақдирда биринчи марта содир этилганида яширилган даромад суммаси ва яна шунча миқдорда, бир йил давомида такроран содир этилгани ҳолда эса яширилган сумма ва яна унинг икки баробари миқдорида молиявий жазога тортилади. Даромадлар ва солиқ тўловлари юзасидан тегишли бухгалтерия ҳисоботлари вақтида тақдим этилмаганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктириб юборилган сумманинг бир фоизи, аммо тегишли тулов муддати учун белгиланган тулов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган ҳажмда жавобгарликка тортилади.

Лицензия олмасдан хўжалик фаолияти билан шуғулланилганида туристик хизмат кўрсатиш субъектидан шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади.

Солиқ тўловчи солиқ соҳасида бир неча ҳуқуқбузарликка йул қўйган бўлса, уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида тарзда ҳуқуқий жавобгар қилинади.

Туристик фаолият субъектлари томонидан солиқ қонунчилиги талабларига сўзсиз риоя қилиниши улар мувоффақиятини муҳим гарови ҳисобланади.

Туристик хизмат фаолияти кўпчилик ҳолларда ташқи иқтисодий фаолият тарзида амалга оширилиши сабабли давлат божхона ҳудуди ва божхона чегаралари орқали юз беради. Бунда туристик хизмат фаолияти субъектлари божхона қоидаларига ва божхона режимларига амал қилишлари лозимлиги талаб қилинади. Бу қоидаларнинг бузилиши юридик шахс бўлган туристик фирма учун тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 131-132-моддаларида божхона қонунчилигини бузганлик учун (масалан, божхона назорати зонаси режимини бузиш, транспорт воситасини тўхтатмаслик, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини бузиш, божхона тўловларини тўлаш муддатларини бузиш ва бошқалар) юридик шахсларни жумладан туристик фирмаларнинг жавобгарликлари белгилаб қўйилган.

Табиат атроф-муҳитга зарар етказганлик учун тегишли қонунларда ва қонун ҳужжатларида юридик шахсларнинг жавобгарлиги, уларга молиявий жазолар

кўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлиб, туристик фаолият билан шуғулланаётган субъектлар учун ушбу жавобгарлик айниқса долзарбдир. Бу ҳақда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (29-модда), «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (28-модда); «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (39-модда) Ўзбекистон Республикаси қонунларида; «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида»ги низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган⁶⁷.

Туристик фирма юридик шахсни тугатиш, қайта ташкил этиш асосларига тўхталиб ўтсак, ҳар иккаласини амалга оширишнинг ихтиёрий ва мажбурий усуллари мавжуд ва булар қуйидагилардир: 1) туристик фирманинг фаолият муддатини тугатиш, 2) уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги 3) фаолиятини тегишли лицензиясиз амалга ошириши 4) қонун томонидан тақиқланган фаолиятни амалга оширган ёки қонун ҳужжатларини бир неча марта ва қўпол равишда бузган ҳолатларда 5) Фуқаролик кодекси ва қонунларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар. Фуқаролик кодексининг 197-моддаси (банкротлик ҳолати ҳукукининг бекор булиши, 198-модда мулкни тугатиш ва ҳисобдан чиқариш, 199-модда мол-мулкни мусодара қилиш, 202-модда национализация бўлиши, 986-модда зарар етказишни олдини олиш мақсадида тугатиш ёки олти ой мобайнида молиявий-хужалик фаолиятини олиб бормаслик, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдпн болаб бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакиллантирилмаган тақдирда ҳам тугатилишига олиб келади⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги №497 сон «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори⁶⁹ га мувофиқ фирманинг устав фонди энг кам ойлик иш ҳаққининг камида 400 баравари миқдорида шакллантирилиши лозим бўлади. Туристик фирманинг қайта ташкил этиш асослари эса Фуқаролик кодексининг 49-моддасида кўрсатиб қўйилган қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш каби усуллари билан амалга оширилади.

⁶⁷ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.:Адолат. 1996-1997 й. №15, б. 91; №18, б. 71 ва 87; №13, б.192.

⁶⁸ “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун//Халқ сўзи, 1999 йил 17сентябр.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. №21, 2003 й. 212-модда.

Қонунлар бузилшига йўл қўйиладиган ҳолларда юридик шахсларга нисбатан юқорида айтиб ўтилган молиявий жазолардан ташқари ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий жазо чоралари ҳам қўлланиши мумкин.

Бунда ташкилий-ҳуқуқий чоралар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) фаолиятни юритилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш; 2) башарти улар лицензияланадиган (махсус тартибда рухсат бериладиган) фаолият тури билан шуғуллансалар, лицензияни олиб қўйиш; 3) қонунга ҳилоф фаолият билан ёки қонунларни қўпол тарзда бузган ҳолда иш юритаётган юридик шахсни тугатиш чораларини қўриш.

Бундай ташкилий-ҳуқуқий чоралар туристик фаолият субъекти бўлган юридик шахслар-туристик фирмаларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Уларни қўллашни ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида (53-модда). "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида (5-модданинг 8-банди), "Фаолиятнинг айрим турлариин лицензиялаш тўғрисида"ги қонунда (22, 23, 24-моддалар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида бслгилаб қўйилган.

Кўпчилик олимлар ушбу ташкилий-ҳуқуқий таъсир чораларин ҳуқуқий жавобгарлик сифатида баҳоламайдилар. Аммо шунга қарамасдан тадқиқотчи мазкур чоралар кўпроқ жазолаш хусусиятига, қонуннинг мажбурлаш кучидан самарали фойдаланишга қаратилганини алоҳида қайд этади ва ушбу жавобгарлик ҳамда жазо чоралари келгусида комплекс тарзда чуқур, атрофлича таҳлил қилишга арзийдиган муоммо деб ҳисоблайди.

Энди иқтисодий жавобгарлик ҳақида икки оғиз сўз юритамиз.

Бир қатор муаллифлар иқтисодий жавобгарлик ва молиявий жавобгарлик (жазо) айна бир нарса деб кўрсатадилар. Тадқиқотчи ушбу ҳар иккала жавобгарлик чорасининг мақсади ўзаро яқин ва айбдор шахсни мулкый жиҳдтдан ноқулай аҳволга солиш, жазолашдан иборатлигини инкор этмагани ҳолда, улар ўртасида жиддий фарқлар мавжудлигига эътибор қаратади. Молиявий жавобгарлик энг аввало жазо (айодорга нисбатан давлат зўрлиги)нинг мажбурловнинг қўлланилишидан иборат бўлса, иқтисодий жавобгарликда давлат зўрлиги иккинчи ва ҳатто учинчи даражали

аҳамиятга эга эканлиги, умуман олганда бу давлат зўрлигининг қўлланилиши бўлмасдан, шахс ўз танлови, хохиши билан ноқулай мулкый аҳволга тушиши кўрсатиб ўтилмоғи лозим. Молиявий жавобгарликда одатда бу ҳақдаги нормаларда жазолашга оид қонунларга хос бўлган анъанавий диспозиция ва санкциядан иборат юридик таркиб кузатилса (масалан, даромадни солиқдан яширса (диспозиция) жарима қўлланилади (санкция), иқтисодий жавобгарликда бундай ҳолни кузатиш мумкин эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодекси»нинг 99-моддасида айтилишича: «Берилган ердан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч барабар миқдорида ундирилади». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 490-сонли қарори⁷⁰га кўра ўз норматив муддатларида ўрнатилмаган ва фойдаланилмаётган ускуналар учун, сотилмасдан туриб қолмаган ортиқча маҳсулотлар учун оширилган ставкаларда солиқ солиниши белгиланган. Мазкур қарорнинг 17-илоvasи изохининг 5-бандига кўра давлат органлари томонидан ажратиб берилганидан ортиқча ер майдонларидан фойдаланаётган юридик шахслар белгиланган ер солиғи ставкасининг икки баробари миқдорида солиқ тўлашлари белглаб қўйилган. Бундай иқтисодий жазо чоралари табиий, энергетика ва бошқа ресурслардан тежамкорлик режимига риоя қилмасдан фойдаланмаганлик учун ҳам назарда тутилган.

Иқтисодий жавобгарлик чоралари қўлланилиши молиявий жазо чораларидан фарқли ўлароқ айбдорни жазолаш, унга давлат мажбурловини қўллашга эмас, балки мавжуд ресурслардан унумли тежаб-тергаб фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган ва иқтисодий жавобгарлик қўлланилишидан юридик шахс учун иқтисодий ноқулайликдан ва бошқа ҳуқуқий оқибат келиб чиқмайди.

Туристтик фирмаларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор фаолият юритиш соҳасида қонунбузарликларга йўл қўйсалар маъмурий жавобгарлик ва жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқий жавобгарликларга тортилишлари, уларга нисбатан тегишли маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий ҳуқуқий жазо

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. №22-24, 2001 й. 159-модда.

чоралари қўлланилиши мумкин. Туристик фирмалар билан шартнома тузган, бу фирма хизмат ва маҳсулотларини истеъмолчилари бўлган жисмоний шахслар ҳам тегишли қонун ҳужжатларига, энг аввало улрага шу божхона соҳасидаги қонун талабларига қатъий амал қилишлари шарт бўлиб, акс ҳолда улар ҳам маъмурий, ҳам жиноий-ҳуқуқий жавобгарликларга тортилишларн мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасида ўзаро муомалалар қатъий чекланганлиги сабабли жумладан, Ўзбекистон ҳудудида вақтинча турган (хусусан турист сифатида) хорижий давлат фуқароларитомонидан валюта бойликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш учун маъмурий (башарти ўтказилган валюта суммаси ҳуқуқбузарлик ҳаракати содир этилган кундаги энг кам ойлик иш ҳакининг ўн баробари ҳажмидан кўп бўлмаса) ёки жиноий (энг кам ойлик иш ҳакининг ўн баробаридан ортиқ суммада валюта бойликлари қонунга ҳилоф равишда олинганида ёки ўтказилганида) жавобгарлик белгиланган.

Аммо шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиш ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан №727 сонли 13 май 1999 йилда рўйхатга олинган «Хорижий туристларга эркин алмашинадиган валютада хизматлар тақдим этиш тартиби» га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (шу жумладан, турист мақомидаги жисмоний шахслар, хорижий туристик фирмалар)га нақд ёки нақдсиз хорижий валютадан (транспорт, меҳмонхона, экскурсия, савдо ва бошқа) хизматлар кўрсатишга рухсат этилди. Кейинчалик хорижий фуқаролар томонидан нақд чет эл валютасида ҳисоб-китоб қилиш доиралари кенгайтирилди ва қонун доирасида чет эл валютасини ўтказиш, уни олиш ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари таркибидан чиқарила бошланди. Бу эса чет эл валютаси муносабатларини босқичма-босқич эркинлаштира борилиши жараёни билан боғлиқдир.

Ушбу бобга яқун ясаб шуни қайд этиш лозимки, туризм фаолияти билан боғлиқ муносабатларда жавобгарлик масалаларини илмий назарий жиҳатдан атрофлича ва чуқур тадқиқ этилиши мазкур соҳага оид ҳуқуқларнинг самарали ҳимоя қилинишига,

ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилининг мустаҳкамланишига, қолаверса ушбу соҳа қонунчилик асосларининг ривожланишига хизмат қилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ривожини натижасида жамият ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, аввал маъмурий буйруқбозлик иш услублари билан юқорида туриб бошқариладиган муносабатлар ўз мазмун моҳиятини ўзгартирган ҳолда бозор механизмлари таркибига кирувчи иқтисодий тамойилларга тобора мувофиқлаштириб борилмоқда.

“Бозор иқтисодиётини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг провард мақсадларининг ўзи, бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир” – деган эди, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримов⁷¹.

Ана шундай шароитларда иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий тизимлари ва механизмлари янада такомиллаштирилиши ҳақида қайғуриш, ушбу муаммо ечимларини излаб топиш долзарб вазифалардан бўлиб қолаверади.

Мазкур илмий-тадқиқот ишида, ривожланган дунё мамлакатларида кенг тарқалган ва фуқароларнинг дам олишига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган хизмат турларидан бири – туризм фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим фуқаролик жиҳатларини таҳлил этишга, бу соҳадаги ҳали таҳлил этилмаган вазифаларни аниқлаш ва уларни ечимин топишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотчи томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар, қиёсий таҳлиллар натижасида мамлакатимизда туристик хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширишги оид ҳуқуқи баъза яратилган, зарур қонунчилик тизими барпо этилган бўлсада, аммо улар ҳали етарли даражада такомиллашмаганлиги маълум бўлди.

Энг аввало “турист”, “туристик хизмат” каби тушунчаларни тарифлаш бўйича халқаро муомалада ягона қарашлар шаклланмаганлиги, “турист” тушунчасини Америка Қўшма Штатларида бир хил, Европанинг айрим мамлакатларида эса бошқача талқин этилиши, халқаро ҳуқуқий нормаларда ҳам бу тушунчаларни таърифлашда яқдиллик йўқлигига эътибор қаратилмоғи зарур ва бунинг натижасида муайян қийинчиликлар юзага келаётганлиги тадқиқотчи эътиборини ўзига тортди.

⁷¹ И.А. Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.:Ўзбекистон. 1994, -Б105

Туризм тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонунида (3-модда), Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида туристик фаолият тўғрисида”ги Қонунида (1-модда), Қозоғистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонунида (2-модда) ва бошқа мамлакатларнинг туризмга оид қонунчиликларида таъриф берилган бўлсада, уларнинг барчаси бир томонлама хусусиятга эга эканлиги, у ёки бу жиҳатлари бўрттириб кўрсатилгани ҳолда бошқа хусусиятлари эътибордан четда қолганлиги этилмоғи лозим. Шунинг учун сабабли тадқиқотчининг фикрича, туризм соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилиши, локал Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар иштирокида халқаро анжуман ўтказилиши лозим ва унда туризмни ривожлантириш истиқболлари, муаммолари, шунингдек жумладан, туризм соҳасидаги асосий тушунчаларни унификациялаш масалалари ҳам кенг муҳокама этилиши ҳамда тегишли қарор қабул қилиниши лозим.

Халқаро муомалада “турист”, “сайёҳ”, “экскурсант” тушунчалари турлича талқин этилади ва шунга мувофиқ бу тушунчалар сафарга чиқиш мақсади, муддати нуқтаи назаридан ўзаро фарқланади.

Шунинг учун, ушбу тушунчалар ўзаро фарқланмоғи лозим ва шунга кўра “Туризм тўғрисида”ги Қонун ҳужжатларида ўзини алоҳида ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, сафарга чиққан шахсни “турист”, “оддий сайёҳ” ёки “экскурсант” деб эътироф этилиши унинг фуқаролик ҳуқуқий мақомига таъсир қилиши, унинг чет мамлакатда бўлиб турган вақтдаги мавқеини белгилашда тегишли аҳамият касб этиши мумкин.

Тадқиқотчи томонидан тадқиқ этилган муаммолардан яни бири – туристик хизматнинг фаолияти предмети ва туризмга оид муносабатлар субъектлари мақоми ва доираси масаласидир.

Айрим олим ва мутахассисларнинг фикрича, туристик хизмат предмети бўлиб, туристик фаолият билан шуғулланиш учун рухсат (лицензия) олган туристик ташкилотлар томонидан туристлар гуруҳини ташкил этилиши ва уларнинг бир аҳоли пунктидан бошқасига сафар қилишини ташкил этиш ҳисобланади.

Аксинча, бошқа гуруҳ олимлари туристик хизмат предмети жумласига нафақат туристларнинг сафарини ташкил этиш, балки уларга ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган барча хизмат турларини (транспорт, меҳмонхона, овқатланиш, кўнгил очар тадбирлар ўтказиш, маслаҳатлар бериш, суғурта ва банк хизматлари кўрсатиш ва бошқалар) киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Маълумки, кўпчилик мамлакатларда хориждан туристларни жалб этишнинг кучайтириш мақсадида туризм хизмати кўрсатувчи фирма ва ташкилотларга бир қатор масалаларда, хусусан, солиқ, божхона, банк кредити, ва ҳақозоларда имтиёзлар беришни кўзда тутди. Аммо туристик хизмат предмети доирасининг аниқ белгилаб қўйилмаганлиги ушбу имтиёзлардан фойдаланишни бир мунча қийинлаштиради. Шу сабабли туристик хизмат предметлари ва объектлари масаласида ҳам халқаро келишувга эришилмоғи, шу асосида давлатларнинг миллий қонунчилик тизимлари унификацияланиши (бир хиллаштириши) лозим.

Туристтик фаолиятни амалга оширувчи субъектлар доирасини белгилаш соҳасида ҳам муайян заиф нуқталар мавжуд. Россия Федерациясининг “Туристтик хизмат фаолият асослари тўғрисида”ги Қонунида (1-модда) турфирма, туроператор, турагент тушунчалари назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг туристик фаолиятга оид қарорларида ушбу тушунчалар назарда тутилсада, аммо “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида бундай тушунчалар назарда тутилмаган ва бизнингча бу бўшлиқни тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Чунки Бутунжаҳон Туристтик Ташкилотининг ҳужжатларида ушбу тушунчалар кенг қўлланилади, ривожланган мамлакатлар туристик хизмат кўрсатиш муомаласида ҳам улардан кенг фойдаланилади. Мамлакатимизнинг туризм соҳасида ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқаро стандартларга мос бўлишини тامينлаш мақсадида “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари туроператор, турагентларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб, туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар таркибига яқка тартибдаги тадбиркор фуқаролар ҳам киритилиши ва халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштирилган таъриф, тушунчалар билан ўзгартирилиши керак.

Амалдаги “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасидаги “туристик фаолият субъектлари” тушунчаси қуйидагича таърифланиши лозим: “Туристик фаолият субъектлари бўлиб туристик хизмат бозорида туроператор, турагент ёки бошқа шаклда фаолият юритиш юзасидан белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган, керакли даражада сифатли хизмат кўрсатиш салоҳияти мавжуд бўлган юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъектлари ҳисобланиши мумкин.

Уларнинг моддий-техникавий, молиявий, мутахасис кадрлар соҳасидаги энг кам кўрсаткичларига тааллуқли талаблар Ўзбекистон Республикасининг ҳукумаит томонидан белгиланади”.

Мамлакатимизда туристик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, уни амалга ошириш билан боғлиқ “комплекс” хизмат турларининг ҳам ривожланишига хизмат қилади ва ўз навбатида бундай хизмат турларининг ҳам ҳуқуқий базасини ривожлантиришлик тақозо этилади. айниқса туристик хизмат кўрсатиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган меҳмонхона хизмати алоҳида ҳуқуқий тартибга солиниши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда туристик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишида муаммоли ва ўз ечимини қутаётган бир қатор масалалар мавжуд. Битирув малакавий ишида илгари сурилган таклиф-мулоҳазаларнинг назариёт ва амалиётга тадбиқ этилиши маълум даражада қонунчиликни янада такомиллашуви ва унинг ижросини таминлашдек муҳим вазифани ҳал этишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 48 б.
18. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 48 б.

19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. –174 б.

20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

21. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

22. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -280 б.

23. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

24. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси //[Ахборот ресурси].

http://president.uz/uz/news/show/dokladi/doklad_prezidenta_respubliki_uzbekist_1

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун ҳужжатларига шарҳлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон. 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Кодекслар тўплами. – Тошкент.: Адолат. 2013.
3. Закон Республики Узбекистан "О туризме" от 20.08.1999г. №830-І.
4. Указ Президента Республики Узбекистан "О дополнительных мерах по упорядочению обращения в Республике Узбекистан наличной иностранной валюты" от 27.06.2002г. №УП-3099.
5. Указ Президента Республики Узбекистан "О подготовке квалифицированных кадров для сферы туризма в Узбекистане" от 30.06.1999г. №УП-2332.
6. Указ Президента Республики Узбекистан "О государственной программе развития туризма в Узбекистане на период до 2005 года" от 15.04.1999г. №УП-2286.
7. Указ Президента Республики Узбекистан "О мерах по активизации участия Республики Узбекистан в возрождении Великого Шелкового пути и развитию международного туризма в республике" от 02.06.1995г. №УП-1162.
8. Указ Президента Республики Узбекистан "Об образовании Национальной компании "Узбектуризм" от 27.07.1992г. №УП-447.
9. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О дальнейшем совершенствовании деятельности Национальной компании "Узбектуризм" от 28.07.2004г. №360.
10. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О подготовке и проведении 4-го заседания Всемирной туристской организации (ВТО)

"Шелковый путь" в г. Бухаре" от 12.10.2002г. №356.

11. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшему развитию гостиничного бизнеса и международного туризма в Республике Узбекистан" от 02.09.2002г. №310.

12. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О предоставлении льгот гостиничным комплексам с участием иностранных инвестиций" от 12.07.1999г. №339.

13. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О подготовке и проведении заседания 34-й сессии Европейской комиссии Всемирной туристской организации (ВТО)" от 15.02.1999г. №70.

14. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О совершенствовании организации деятельности туристических организаций" от 08.08.1998г. №346.

15. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по созданию современной инфраструктуры международного туризма в Республике Узбекистан" от 03.06.1995г. №210.

16. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О подготовке и проведении международной туристической ярмарки "Туризм по шелковому пути" от 02.03.1995г. №78.

17. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О подготовке и проведении заседания Всемирной туристской организации "Шелковый путь" в Узбекистане" от 09.09.1994г. №459.

18. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О вопросах организации деятельности Национальной компании "Узбектуризм" от 20.10.1992г. №484.

3. Махсус адабиётлар

1. Александрова А. Ю. Международный туризм. – М.: Аспект Пресс. – 2004.
2. Александрова А. Ю. Структура туристского рынка. – М.: Пресс-Соло, 2002..
3. Александрова А.Ю. Международный туризм. – М.: Аспект Пресс, 2001.
4. Ананьев М.А. Экономика и география международного туризма. – М.: Издательство МГУ, 1975.
5. Анискин Ю.П. Общий менеджмент: Учебник по общей теории менеджмента. – М.: РМАТ, 1997.
6. Аренков И. А. Маркетинговые исследования: основы теории и методики. – СПб.: СПбУЭФ, 1992.
7. Байлик С.И. Гостиничное хозяйство: организация, управление, обслуживание. – Киев: Альтерпресс, 2002.
8. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и кредит, 2001.
9. Баринов Н.А. Услуги (социально-правовой аспект). – Саратов, 2001.
10. Богатов А.П. Туристские формальности. – М.: Академия, 2004.

11. Биржаков М. Б., Казаков Н. П. Безопасность в туризме. – СПб.: Герда, 2005.
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – СПб.: Герда, 2004.
13. Божавина Р.Н. Этика менеджмента: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2001.
14. Борисов К. Г. Международный туризм и право: Учебное пособие. – М.: НИМП, 1999.
15. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга третья: Договоры о выполнении работ и оказании услуг. – М.: Статут, 2002.
16. Вавилова Е. В. Основы международного туризма: Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2005. Вахмистров В.П., Вахмистрова С.И. Правовое обеспечение туризма "Изд-во Михайлова". – 2005.
17. Винокуров В.И., Леонов В.А. Индустрия туризма: теоретические, методологические и практические аспекты. – Сочи: Государственный университет туризма и курортного дела, 1998.
18. Власов А.А., Нагорный А.Г. Туризм. – М.: Высшая школа, 1977.
19. Волков Ю.Ф. Введение в гостиничный и туристический бизнес. – Ростов: Феникс, 2004.
20. Волошин Н.И. Правовое регулирование в туризме. – М.: Советский спорт, 2004.
21. Волошин Н.И. Правовое регулирование туристской деятельности. – М.: Финансы и статистика, 1998.
22. Годфри Харрис, Кеннет М. Кац. Стимулирование международного туризма: Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 2002. – С.96 – 186.
23. Горбашко Е. А. Обеспечение конкурентоспособности промышленной продукции. – СПб.: СПбУЭФ, 1994.
24. Гражданское право. Том 1. Учебник / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. – М., 2001.
25. Грицкевич В.П. История туризма в древности. – СПб.: Герда, 2005.
26. Гужин Г.С., Беликов М.Ю., Клименко Е.В. Менеджмент в иностранном и внутреннем туризме. – Краснодар: Кубанский государственный университет, 1997.
27. Гуляев В.Г. Организация туристских перевозок. – М.: Финансы и статистика, 2001.
28. Гуляев В.Г. Туризм: экономика и социальное развитие. – М.: Финансы и статистика, 2003.
29. Дехтярь Г.М. Лицензирование и сертификация в туризме. – М.: Финансы и статистика, 2003.
30. Дехтярь Г.М. Лицензирование, стандартизация и сертификация в туризме. – М.: ГИНФО, 2001.
31. Дурович А.П. Реклама в туризме. – М.: Новое знание, 2003.
32. Дурович А.П., Копанев А.С. Маркетинг в туризме. – Минск: Экономпресс, 1998.
33. Егоренков Л.И. Экология туризма и сервиса. – М.: Финансы и статистика, 2003.
34. Ефимов В.Б. Состояние и тенденции развития транспорта России - М.,

1993.

35. Ефремова М. В. Основы технологии туристского бизнеса: Учебное пособие. – М.: Ось – 89, 1999.

36. Жукова В.А. Опыт управления туристской индустрией в различных странах. – СПб.: СПбГУЭФ, 2004.

37. Здоров А.Б. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2004.

38. Зорин И.В. Образование и карьера в туризме. – М.: Советский спорт, 2000.

39. Зорин И.В. Энциклопедия туризма: Справочник. / Под ред. И.В. Зорин, В.А. Квартальнов. – М.: Финансы и статистика, 2000.

40. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма: Справочник. – М.: Финансы и статистика, 2001.

4. Хорижий адабиётлар

1. Crawford-Welch, S. (1990) An empirical examination of mature service environments and high performance strategies within those environments. Doctoral Dissertation, Department of Hotel, Restaurant, and Institutional Management, Virginia Polytechnic and State University, Blacksburg, VA

2. Dann, G, Nash, D. and Pearce, P. (1988) Methodology in tourism research. *Annals of Tourism Research* 15, 1-28

3. Eder, R.W. and Umbreit, W.T. (1988) Hospitality research: reassessing our strategy. *The Cornell Hotel and Restaurant Administration Quarterly*, November, 54-58

4. Grazer, W.F and Stiff, M.R. (1987) Statistical analysis and design in marketing journal articles. *Journal of the Academy of Marketing Science*, Spring, 69-73

5. Lewis, R. C. (1988) Uses and abuses of hospitality research. *The Cornell Hotel and Restaurant Administration Quarterly*, November, 11-13

6. Reid, L.J. and Andereck, K.L (1989) Statistical analyses use in tourism research. *Journal of Travel Research*, Fall, 21-24

7. Brinberg, D. & McGrath, J. E. (1985) *Validity and the research process*. Beverly Hills, CA: Sage

8. Evans, M. R. (1992) The emerging role of hospitality and tourism research. *Hospitality and Tourism Educator*, 4 (4), 57-59

9. Jones, P. (1996) Hospitality Research-Where have we got to. *International Journal of Hospitality Management*, 15 (1), 5-10

10. Taylor, S. & Edgar, D. (1996) Hospitality research: The emperor's new clothes? *International Journal of Hospitality Management*, 15 (3), 211-227

11. Woods, R. H. & Schmidgall, R. S. (1995) Hospitality's influential authors: Using citation analysis to evaluate the research contributions of hospitality faculty and programs. *Hospitality and Tourism Educator*, 7 (21), 33-39

12. Choy, D. J. L. (1993). Alternative roles of national tourism organizations. *Tourism Management*, 1993, 14(5), 357-365.

13. Morley, C., (1992). "A microeconomic theory of international tourism demand", *Annals of Tourism Research*, Vol. 19, No. 2, pp 250-267

14. Cai, L. P. and Woods, R. H. (1993) China's tourism—service failure. *The Cornell Hotel and Restaurant Administration Quarterly* 34 (4), 30-39
15. Hunt, J (1990) China. *International Tourism Report* 3, 23-48
16. Kim, C. Y. and Olson, M. D. (1993) A framework for the identification of political environmental issues faced by international hotel chains in newly industrialized countries in Asia. *International Journal of Hospitality Management* 12 (2), 163-174
17. Boyd, M. (1993). China looks to incentive tourism. *Tourism Asia*, 10-14
18. Choy, D., Guan, L. D., & Zhang, W. (1986). Tourism in P. R. China: marketing trends and changing policies. *Tourism Management*, 7 (3), 197-201
19. Cook, D. (1989). China's hotels: still playing catch-up. *The Cornell Hotel & Restaurant Administration Quarterly*, 30 (3), 64-71

5. Интернет ресурслар:

1. <http://www.uzbektourism.uz/> НК «Узбектуризм»
2. <http://www.wttc.org/> Всемирная туристическая организация (ВТО)
3. <http://www.unesco.org/> ЮНЕСКО